nomidagi
O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

22 (506) ● 2018 йил 30 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ҲАР БИР ТАРМОҚ ВА ҲУДУДДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, РАҲБАРЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ВА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 29 май куни экспорт-импорт, маҳаллий бюджетга қўшимча тушумларни таъминлаш, қишлоқ хўжалигида гўза парвариши, галла ўрими, такрорий экинлар ва сувдан оқилона фойдаланиш каби муҳим тадбирларни самарали ўтказиш билан боғлиқ бугунги кунда гоят долзарб бўлиб турган масалаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, видеоселектор орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мазкур тармоқда 3,6 миллиондан зиёд киши меҳнат қилмоқда, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ижчил ошиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бу борада аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоқ жойларга саноатнинг жадал кириб бориши ва янги иш ўринлари очиш учун аграр сектор имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида кенг имконият яратади.

Ўтган бир ярим йил мобайнида экспортни рағбатлантириш ва бунинг учун зарур қулайлик ва имтиёзлар яратиш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси доирасида жорий этилаётган янгиликлар, тармоқлар ҳамда ҳудудлардаги мавжуд экспорт салоҳиятини тўлиқ ишга солиш бўйича кўрилаётган амалий чоралар натижасида экспорт ҳажми ошмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 25 майига қадар 4 миллиард 576 миллион доллар ҳажмида экспорт амалга оширилган. Шу ойнинг охиригача белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилади. 2017 йилнинг 5 ойига солиштирганда, экспорт ҳажми қарийб 21 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Шунингдек, биринчи ярим йилликда 5 миллиард 886 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, прогноз кўрсаткичлари 100,9 фоизга бажарилиши ва 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигига нисбатан 25 фоиз ўсишга эришиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш иштирокчилари эътиборини ана шундай ижобий натижаларга қаратар экан, айни вақтда улар мавжуд имконият ва салоҳиятга нисбатан анча пастлигини таъкидлади. Айрим тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари бу борада ўз масъулиятини етарли даражада ҳис этмаётгани, бу эса экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича резервлар тўлиқ ишга солинмаслигига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича атрофлича танқидий таҳлил қилиниб, бу борада амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Четга маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича жорий йилнинг ўтган даврида белгиланган режаларни бажармаган республика ташкилот ва корхоналари, ҳудудлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, қолоқликнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаб, уларни тезда бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Селектор йиғилишида мамлакатимизда импортни оптималлаштириш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда экани қайд этилди. Жорий йилнинг 4 ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича товарлар импорти 4 миллиард 858 миллион долларни ташкил этиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 1 миллиард 111 миллион долларга ёки 30 фоизга ошган. Бундай ҳолатга сабаб бўлган омиллар асосан импорт таркибини ўрганиш ва импортни оптималлаштириш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмагани, январь-апрель ойларида комплекслар таркибига кирадиган корхоналар томонидан юртимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган товарларни харид қилиш ўрнига, четдан шу турдаги 89 миллион долларлик маҳсулот импорт қилингани билан боғлиқ экани айтиб ўтилди.

Ана шундай камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва олдини олиш юзасидан масъул шахсларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда бу йил мамлакатимизда ёғингарчилик нисбатан кам бўлгани, оқибатда аксарият ҳудудларда сув танқислиги юзага келгани, бундай ҳолат сувдан унумли фойдаланишни тақозо этиши алоҳида таъкидланди.

Шу мақсадда шоли экиладиган майдонларни 162 минг гектардан 94 минг гектарга қисқартириш, сув таъминотида муаммо бўлмаган Сирдарё вилоятидаги 7,5 минг гектар ерни Хоразм вилояти фермерларига, Жиззах вилоятидаги 5,5 минг гектар ерни Қорақалпоғистон фермерларига такрорий экин сифатида шоли экиш учун бериш зарурлиги қайд этилди.

Сув танқислиги қутилаётган Қашқадарё вилоятида такрорий экин майдонлари 30 минг гектарга, Самарқанд вилоятида 42 минг гектарга, Бухоро вилоятида 20 минг гектарга, Навоий вилоятида 14 минг гектарга ва Қорақалпоғистонда 10 минг гектарга камайтирилиши маълум қилинди. Ушбу ҳудудларда сувни кам талаб этадиган мош, ловия ва бошқа озуқабоп экинлар экиш, уларни сув манбаларига яқин ер майдонларига жойлаштириш кераклигига эътибор қаратилди. Ана шу ишларни ўз вақтида, самарали ташкил этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида юртимизда бу йил баҳорнинг салқин ва қуруқ келиши пахта етиштиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани, натижада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўза ривожланиши анча орқада қолаётгани, бу эса унинг парваришига жиддий эътибор қаратишни тақозо этиши ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Айниқса, бундай оғир шароитда культиваторлардан юқори даражада самарали фойдаланиш, тупроқни чуқур юмшатиш, майда чопиқ қилиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш ва назорат ишларига ўта масъулият билан ёндашишни талаб этиши қайд этилди.

Шунингдек, бу йил пахта етиштиришни молиялаштириш бўйича мутлақо янги тизим яратиш, агротехник тадбирларни вақтида ва сифатли амалга ошириш учун техник воситалар тайёрлигини ҳамда уларни мунтазам равишда дизель ёқилғиси билан таъминлаш ишларини ташкил этиш юзасидан тегишли вазирлик, идора ва ҳудудлар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Йиғилишда мамлакатимизда 1 июндан 1 июлгача **"Ғўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги"** эълон қилиниши бўйича келишиб олинди. Катта меҳнат ва харажат билан етиштирилган ҳосилни тўла сақлаб қолиш мақсадида фермер хўжаликлари раҳбарлари ва ишчилари қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мутасаддиларининг сувчи ва механизаторлар, аграр соҳа олимлари ва агрономлар билан биргаликда барча бўғиндаги депутатларнинг ҳам сафарбарлиги ва масъулиятини оширишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Кун тартибидаги яна бир муҳим масала — жорий йилда етиштириладиган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, қисқа муддатда йиғиштириб олиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз бўйича бу йилги ғалла ўрим-йиғим мавсумида қатнашадиган мавжуд 3 минг 106 та юқори унумли ғалла ўриш комбайнларини сифатли таъмирлаш ва тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Бундан ташқари, 400 та янги ғалла ўриш комбайни жойларга етказилмоқда. Улар ўрим-йиғим ишларини ҳар йилгига нисбатан бир ҳафта олдин якунлаш имконини беради. Бунинг учун жойларда ғалла ўрим-йиғими отрядларини тузиб, уларга комбайн, дон ташиш техникаси, кўчма таъмирлаш устахоналари ва ёқилғи қуйиш агрегатларини бириктириб, ўрим-йиғим ишларини график асосида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамасига тез кунларда жорий йилдаги ғалла ўрим-йиғими билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ўз ичига олган қарор лойиҳасини киритиш вазифаси топширилди.

Мажлисда ҳудудларда бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати танқидий таҳлил асосида кўриб чиқилди. Бу борада жорий йилнинг шу даври учун белгиланган режалар айрим ҳудудларда бажарилмасдан қолаётгани танқид қилинди. Натижада шу ҳудудларда солиқ қарздорлиги ошиб бормоқда.

Жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, секторлар раҳбарлари ҳанузгача бюджетга қўшимча даромад манбаларини аниқлаш ва жалб қилишдан кўзланган мақсадни чуқур тушуниб етмаётгани айтиб ўтилди. Бу борада молия ташкилотлари томонидан қўшимча даромад манбаларини аниқлаш бўйича ўрганишлар ўтказилмаётгани, фаолият кўрсатмаётган юридик шахслар фаолиятини қайта тиклаш ўрнига фақатгина уларни текшириб, фаолиятини тугатиш билан чекланаётгани асосий сабаблар сифатида қайд этилди. Ҳар бир тармоқ ва ҳудудда ижро интизомини мустаҳкамлаш, раҳбарларнинг масъулияти ва фаолият самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифа бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидланди.

Мажлисда сўзга чиққанлар Президентимиз томонидан билдирилган чуқур танқидий фикрлар асосида, соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни тезда бартараф этиш, белгиланган топшириқ ва режаларни вақтида ва самарали бажариш бўйича амалий фикр ва таклифлар билдирдилар.

ЎзА

Муносабат

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Бугун замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ён-атрофда, қўшни мамлакатлар ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар суръати шу қадар тезлашмоқдаки, ундан хабардор бўлиш, аҳоли хабардорлигини ошириш долзарб аҳамият касб этаётир. Бу жараёнда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли беқиёс.

Дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тезкор муносабат билдириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, демократик ўзгаришлардан юртимиз ва дунё аҳолисини хабардор қилиш бугунги кун журналистидан чуқур билим, салоҳият, касбий маҳорат, тезкорлик ва катта тажрибани талаб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 24 май куни қабул қилинган "Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган ва ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлди.

Қарорда бугун замон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, давлат ва нодавлат даврий босма нашрлар, телерадиостудиялар, таҳририят-матбаа комплексларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиши, фуқаролик жамияти институтлари, реклама агентликлари, ахборот хизматлари, медиа коммуникация, Интернет журналистикасининг шаклланиши рақобатбардош, янгича шарт-шароитларда ишлай оладиган журналист кадрларни тайёрлаш заруратини тақозо этаётгани алоҳида таъкидланган.

3-бет

Мозий ва ҳақиқат

ТАРИХНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

XXI аср халқимиз тарихи ва миллий қадриятларимизни ўрганиш соҳасида янги даврни бошлаб берди. Бугун тарихимизнинг номаълум босқич ва қирралари қайтадан кашф этилмоқда. Бу қайсидир маънода тарихий адолатнинг юзага чиқишини англатади. Ўтган асрда халқимиз тарихига бўлган айрича ёндашув одамларда тарихий ҳақиқатдан узоқлашиш, асл воқеа-ҳодисалардан кўра турли хил афсона ва ривоятларга ишониш ҳиссини оширди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Шуҳрат ЭРГАШЕВ билан суҳбатимиз шу мавзу атрофида кечди.

— Президентимизнинг 2017 йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Фанлар академияси, хусусан, Тарих институти фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Аввало, шу ҳақда суҳбатлашсак.

5-бет

Хиёбон

"ШУНЧАКИ ОБРАЗНИНГ УМРИ БЎЛМАЙДИ..."

Санъатнинг олтин қоидаси бор: ҳар қандай образ жонли, табиий бўлса, томошабин унинг кечинмаларини ўзидан топа олса, шу образ халқ қалбидан чуқур жой олади. Халқимиз азалдан санъатни севиб ардоқлайди, санъаткор ижодидан тўлқинланиб, унга эргашади.

Ўзбекистон халқ артисти Эркин КОМИЛОВ мана шундай эътибор ва эътирофдан куч олиб, доимо янгиликка интилувчи, ўзбек санъатида ўз мактабини ярата олган ижодкорлардан бири. Жўшқин қалбли ижодкорнинг театр ва кино оламида яратган ҳар бир образида ўзбекона тиниқ тафаккур, шуури ва онгида халқона қараш жўш уриб туради.

Таниқли санъаткор билан "Хиёбон"да суҳбатимиз ҳам бугун юртимизда ижодкорлар учун яратилган имкониятлар, улар зиммасидаги вазифалар ҳақида кечди.

8-бет

Депутатлик назорати

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҲУДУДЛАРДА:

МАВЖУД МАСАЛА ВА МУАММОЛАР ЎРГАНИЛИБ, ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг ҳар ой ҳудудларда бўлиб, ижтимоий соҳа объектлари, тўрт сектор фаолиятини яқиндан ўрганиши, аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, муаммолар ечимига қўмаклашиши тизимли йўлга қўйилди. Бу ўрганишлар, ўз навбатида, фуқароларнинг депутатлар ва давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам ҳудудлардаги фаолияти давомида фуқаролар мурожаатлари, электорат манфаатларига дахлдор масалаларни ўрганиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Шунингдек, партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, жойлардаги маданий мерос объектлари, тарихий масканларнинг ҳолати, туризм манзилларида яратилган шарт-шароитлар билан танишмоқда.

2-бет

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ИСТЕЪМОЛИНИ ҚОНУНИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ЗАРУР

Бугун кўплаб одамлар, айниқса, ўсмир ёшлар турли энергетик ичимликлар истеъмолига муккасидан кетаётгани бор гап. Қувват берувчи ичимликларни доимий истеъмол қилиши замонавийлик белгиси сифатида талқин этилаётгани, уларнинг асосий мижозлари ёшлар бўлаётгани ачинарли ҳол. Турли қадоқдаги ва номдаги бу каби ичимликлар гўёки чарчоқни олиб, куч бағишлар эмиш. Лекин афсуски, бундай ичимликларнинг доимий истеъмоли вояга етмаганларда юрак хуружи, ваҳима, кўриш қобилияти сусайиши ва ақлий нуқсонлар юзага келишига сабаб бўлади.

Шу боис юртимизда истеъмолчилар, хусусан, ёшларнинг қувват берувчи ичимликларни меъёрдан ортиқ истеъмол ёки суиистеъмол қилишининг олдини олиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш, айниқса, ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида муайян чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги** қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

3-бет

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН!

"Зиёли инсон" деганда кимни тушунамиз?
Бугунги кун зиёлиси қандай бўлиши керак?

Газетамизнинг кейинги сонларидан бошлаб ***"Замонамиз зиёлиси"*** рукни остида мақолалар бериб борилади. Сиз унда адабиёт, санъат, маданият ва илм-фанда эришган ютуқлари билан эл орасида эъзоз ва эътибор қозонган инсонлар ҳаёти, фаолияти ва фикр-мулоҳазаларидан баҳраманд бўласиз.

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
22 (506) 2018 йил 30 май, чоршанба

Депутатлик назорати

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҲУДУДЛАРДА:

МАВЖУД МАСАЛА ВА МУАММОЛАР ЎРГАНИЛИБ, ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Юзма-юз мулоқотларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳияти ҳамда ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари кенг тарғиб этилаётир.

Фракция аъзоларининг май ойи давомидаги ўрганишлари ҳам самарали ўтди.

Турар жой бинолари ҳолати ўрганилди

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова пойтахтимизнинг Юнусобод туманида бўлиб, қатор турар жой бинолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилавий поликлиникалар фаолияти билан яқиндан танишди. Аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг мурожаатларини тинглади, муаммоларини ўрганди.

Бугун 323 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган Юнусобод туманида қатор қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, замонавий турар жой бинолари ҳудуд кўркига кўрк бағишлаб, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Аммо шу билан бирга, ҳудудда ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар борки, бу аҳоли вакилларининг ҳақли эътироз ва шикоятларига сабаб бўлаётир. Депутат Мухтабар Ҳусанованинг тумандаги ўрганишлари давомида аксарият мурожаатлар уй-жой ва коммунал хизмат билан боғлиқ масалалар юзасидан бўлди.

Тумандаги "Аҳмад Дониш" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаролар билан суҳбат давомида 26-кўп қаватли уйнинг 3-4 кириш йўлаклари авария ҳолатда эканлиги, ушбу масала юзасидан аҳоли бир неча йиллар давомида мутасадди ташкилот раҳбарларига мурожаат қилиб келаётгани, аммо ҳамон натижа бўлмагани маълум бўлди. Шунингдек, ушбу ҳудуддаги 23, 24-кўп қаватли уйлар оралиғидаги болалар майдончаси таъмирталаб эканлиги, айниқса, ёзнинг жазирама иссиғида аянчли ҳолатга келиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури" доирасида "Аҳмад Дониш", "Юнусота" маҳалла фуқаролар йиғинлари идоралари учун "Замонавий маҳалла" биноси қурилиши лозим эди. Аммо бошланган қурилиш ишлари тўхтаб, ҳудуд бетартиб ҳолатга келиб қолган. МФЙ идорасига олиб борувчи ички кўчалар таъмирталаб, бу эса аҳолига ноқулайликлар туғдираётир.

Бундан ташқари, юзма-юз мулоқотлар чоғида аҳоли вакиллари ҳудуддаги 97 ҳамда 156-сонли мактабгача таълим муассасаларига олиб борувчи ички кўчани таъмирлаш зарурлигини, 11-кўп қаватли уй олдидаги 3 та автотураргоҳ аҳолига ноқулайлик келтириб чиқараётганини айтиб, уларни олиб ташлаш таклифини билдирдилар.

Бу борадаги мурожаатлар тегишли вакиллар билан ўрганилиб, мавжуд масалаларни туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"га киритилишига келишиб олинди.

Халқ вакилининг Юнусобод тумани 15 ва 16-мавзесида олиб борган ўрганишлари давомида ҳам мазкур ҳудудлардаги қатор масалалар депутат назоратига олинди. Масалан, 15-мавзе "Мурувват" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп қаватли 75, 26-уйлар, 16-мавзе "Халқобод" МФЙ ҳудудидаги 18-уй авария ҳолатида. 18-уйнинг том қисмидан ёғингарчилик кунларида чакка ўтади. 75-уйнинг қисман чўкиш ҳолати кузатилмоқда, 26-уйда ёрилиш ҳосил бўлган. Ушбу нохуш ҳолатлар эса яшовчилар ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши шубҳасиз.

Депутат тумандаги қатор мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан танишди. Жумладан, 280 ўринга мўлжалланган 156-мактабгача таълим муассасасида бугун 221 нафар болалар тарбияланмоқда. Муассаса вакиллари ушбу масканда бир қатор муаммолар мавжудлигини, аммо уларни бартараф этиш бўйича тегишли мутасаддилар етарли эътибор қаратмаётганини таъкидлади. Масалан, таълим-тарбия маскани атрофи сим ўрамалар билан тартибсиз ўралган. Деворнинг баъзи жойлари эса ташландиқ бетон қолдиқлари билан тўсиб қўйилган. Шунингдек, болалар бассейни мутлақо талабга жавоб бермайди. Канализация тармоғи узоқ йиллардан буён таъмирланмаганлиги сабабли муаммолар келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари муассаса ва 25-уй оралиғидаги йўлак аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан ўраб, тўсиб олинган.

— Кўтарилган муаммоларнинг аксарияти йиллар давомида йиғилиб қолган, ечимини кутаётган масалалардир, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова. — Масалан, кўп қаватли турар жой бинолари, ички йўлларни таъмирлаш, кўчаларга симёғоч ҳамда тунги ёриткичлар ўрнатиш каби аҳолини қийнаётган масалалар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури асосида ҳал этилиши лозим. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахт туманларида халқ депутатлари Кенгашлари ташкил этилгани айни муддао бўлди. Чунки эндиликда бу каби муаммоларни маҳаллий Кенгашларнинг ўзи туман бюджетини шакллантириши, мавжуд муаммоларни ҳал этишга етарли маблағ йўналтириши орқали ҳал этади. Айни шу мақсадда парламент аъзоларининг ўрганишлари туман сессиясида муҳокама қилиниб,

ҳудуддаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этиш режалаштирилмоқда.

Сайёр қабул ташкил этилди

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Зумрад Бекатова Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида бўлиб, аҳоли муаммоларини ўрганди. Партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Аёллар қаноти", Қораўзак туман кенгаши ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда ташкил этилган сайёр қабулда мурожаатларни тинглаш билан бирга, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, айниқса, партиянинг аёллар билан ишлаш соҳасидаги вазифалари, "Аёллар қаноти" ва депутатларнинг ҳудудлардаги хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини, жамиятдаги фаоллигини ошириш борасидаги амалий ишлари хусусида кенг маълумот берилди. Айниқса, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган партия лойиҳалари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Партия фаоллари, Қораўзак тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Райҳон Қармисова, "Маданият" овул фуқаролар йиғини фаоллари, ҳудуддаги мактаб, мактабгача таълим муассасалари вакиллари, туман тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиника ходимлари ҳамда фуқаролар иштирокида ўтган сайёр қабулда хотин-қизлар муаммолари ва таклифлари, шунингдек, аҳолининг мурожаатлари тингланди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот олиб борилиб, уларнинг муаммоларини ечиш чоралари кўрилди.

"Маданият" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги оилавий поликлиника бош шифокори Генжегул Досбергенова мазкур ҳудуд майдони 26 километрни ташкил этиши сабабли поликлиникага тез ёрдам автомобили зарурлигини айтиб, ушбу масалани ҳал қилишда амалий ёрдам сўради. Депутат ушбу мурожаатни ўрганиб, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбариятига таклиф киритди. Натижада шу йилнинг июнь ойидан бошлаб "Маданият" ОФЙ ҳудудида тез ёрдам пости ишга тушириладиган бўлди.

"Маданият" ОФЙда яшовчи З.Мамбетова 1988 йилда туғилган ногиронлиги бор қизига 30 йилдан буён қараб келаётгани сабабли ҳеч қаерда ишлай олмаганини айтиб, имтиёзли пенсияга чиқишда амалий ёрдам сўради. Шунингдек, Кунхожа кўчаси 1-уйда яшовчи Фатима Галлиулина оила боқувчиси йўқлиги, 11 ёшли фарзанди касаллигини, унинг дори-дармонларини вақтида олишга қийналаётгани сабабли овул фуқаролар йиғини моддий ёрдам ажратишини сўради. "Маданият" ОФЙ раиси Наримон Қауендеров ушбу мурожаатни ўргангач, Ф.Галлиулинага белгиланган тартибда нафақа ажратадиган бўлди.

Сайёр қабулда фуқаро М. Изимбетова ОФЙ ҳудудида нон пишириш цехини ишга тушириш таклифини билдирди. Ушбу масалада "Маданият" ОФЙ раиси Наримон Қауендеров айни пайтда ишламай турган нон цехини қайта очиш ва ишга туширилишига ёрдам беришини айтди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги вакилларимизнинг тумандаги ўрганишлари ҳар жиҳатдан самарали кечди, — дейди ЎзМТДП Қораўзак туман кенгаши раисининг хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича ўринбосари Зулфия Ережепова. — Бундай учрашув ва сайёр қабулларни мунтазам ўтказиш, ҳамкор ташкилотлар билан бирга ишлаш орқали аҳолини қийнаётган масалаларга ечим топиш, аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш ва фаоллигини оширишга эришиш мумкин. Шу маънода депутат Зумрад Бекатова билан асосан хотин-қизлар иштирокида ташкил этилган бугунги сайёр қабул давомида ҳудуддаги опа-сингилларимизнинг талай муаммоларини ҳал этиш имконига эга бўлдик. Ўтган даврда партия туман кенгашимизга хотин-қизлар томонидан келган мурожаатларга ечим топиш борасида ҳам парламентдаги вакилимиз билан маслаҳатлашдик. Биргаликда уларни ижобий ҳал қилиш чораларини кўрдик.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муаммо ечим топса, одамлар рози бўлади

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ўрол Ҳайитов ҳудудлардаги мавжуд вазиятни ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Косон туманида бўлди. Депутат ўрганишлари давомида йўллар, оқава сув, хусусий мактабгача таълим муассасалари ва уларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар, хотин-қизларни касаначиликка йўналтириш ва бандлигини таъминлаш борасидаги муаммолар билан ўртоқлашди.

Дастлаб туманнинг "Гулбоғ" МФЙ ҳудудида бўлган депутат ҳудуд аҳолиси билан учрашувда фуқароларга бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва тизимли ишлар хусусида маълумот берди. Шунингдек, йиғилганларнинг муаммоларига қулоқ тутди.

Аҳоли вакиллари айни пайтда "Гулбоғ" МФЙ ҳудудидаги ички йўлларнинг таъмирталаблиги, қишда лой, ёзда чанг бўлиши, кўчалар юзидаги ўйдим-чуқур жойлар пиёдалар ва автотранспорт воситаларига ҳам қийинчилик, ҳам ноқулайлик туғдираётганини айтишди. Фуқароларнинг бу мурожаати эътиборга олиниб, масала туман ҳокимлигига маълум қилинди. Ҳокимлик вакиллари МФЙ ҳудудидаги 2,5 километр йўлни таъмирлаш масаласи жорий йилги режага киритилгани ва йил якунига қадар уни ниҳоясига етказиш кўзда тутилганини билдирди. Қолаверса, 2019 йилга мўлжалланаётган режа асосида ҳам кейинги йил тумандаги кўплаб йўллар ободонлаштирилишини таъкидладилар.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаро, тадбиркор Раҳмат Юсупов фарзандлари билан бирга 50 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасасини қуриб, фойдаланишга топшириш арафасида. Бироқ муассасага керакли ускуна, зарур жиҳозларни келтиришда банк қўмагига эҳтиёж сезмоқда. Тадбиркорнинг банкдан 350 миллион сўм кредит олишда кўмак сўраб қилган мурожаати депутат аралашуви билан яқин кунларда ўз ечимини топади. Депутат Ўрол Ҳайитовнинг банк мутасаддиларига мурожаатига жавобан тез орада Раҳмат Юсуповга кредит ажратиш юзасидан қарор чиқарилиб, тегишли ҳужжатларни тақдим этган куни белгиланган маблағ кўчириб берилиши маълум қилинди.

Депутат "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида ҳам кўплаб хонадонларда бўлиб, хотин-қизлар ва ёшлар муаммолари билан қизикди. Хотин-қизларга касаначилик билан шуғулланиш оиланинг даромад манбаи экани ва бунинг учун уларга барча шарт-шароит мавжудлиги, хусусан, тикувчилик ва қўл меҳнати, томорқа ерларидан оқилона фойдаланиш ҳамда иқлимга мос ўсимликлар етиштириш юзасидан ўз тавсияларини берди. Банклар томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар, солиқ имтиёзлари ва енгилликлар хусусида маълумот ва тушунчалар билдирди.

Туманнинг "Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бўлган депутат бу ерда ҳам ички йўлларнинг таъмирталаблиги, аҳоли бир неча йилдан буён оқар сув йўқлигидан қийналиб келаётганига гувоҳ бўлди. Бу каби муаммолар юзасидан туман ҳокимлиги мутасаддиларига мурожаат қилинди. Улар бу мурожаатни ҳудуддаги тадбиркор ва фермерлар қўмагида бартараф этишларини билдирдилар.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутахассиси

Аҳоли манфаатлари устуворлиги таъминланмоқда

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Жаҳонгир Ширинов, Назир Собировнинг Бухоро туманидаги ўрганишлари давомида ҳам қатор масалалар ўз ечимини топди.

Жаҳонгир Шириновнинг "Янгиобод", "Қулонхона", "Талалиён" ҳамда "Галаосиё" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли вакиллари билан ўтган учрашувларида фуқаролар мурожаатларини тинглаш билан бирга, мазкур ҳудудлардаги ижтимоий соҳа объектлари ҳолати ҳам яқиндан ўрганилди. Хусусан, депутат "Янгиобод" МФЙ ҳудудидаги 4-сон қишлоқ оилавий поликлиникасида бўлди. Ўрганиш якунида касалликларни аниқлаш мақсадида беморлар жадвал асосида ултратовуш текширувидан ўтказилиши белгиланганлиги, бироқ шифокор йўқлиги боис текширувлар амалга оширилмагани, поликлиникага келган беморлар ортга қайтгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан иш олиб борган депутат қишлоқ оилавий поликлиникасида умумий амалиёт шифокорлари ва тор доирадаги мутахассисларнинг қабул жадвалининг қайта тузатилиши, камчиликлар бартараф этилиши, шунингдек, дорихонада дорилар рўйхати аҳоли учун қулай жойга илиб қўйилиши ҳамда рўйхатда мавжуд дори воситаларининг Бухоро "Дори-дармон" МЧЖ корхонаси томонидан етказиб берилишига кўмаклашди.

Учрашувлар чоғида Работ, Юрунпоён, Туркон, Ҳазратибобо қишлоғидан тутувчи йўлларнинг аянчли аҳволдалиги депутат эътиборини тортди. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан мазкур йўлни 2019 йил дастурига киритиш чораларини кўриш бўйича иш олиб боришга келишилди. Ушбу масала депутат назоратига олинди. Ҳудуд аҳолисининг норозилигига сабаб бўлган — Бухоро шаҳридан Юрунпоён ва Кумработ қишлоғигача бўлган автомобиль йўлининг 2-2,5 километргача бўлган қисмини асфальтлаштириш борасидаги масала депутат саъй-ҳаракати билан 1 июль кунига қадар ҳал этиладиган бўлди.

Ҳазратибобо қишлоғида яшовчи Орзигул Жумаева ҳамда Мастура Исломова депутатга ишга жойлашиш масаласида мурожаат этди. Мазкур мурожаатлар тегишли вакиллар билан ўрганилиб, Орзигул Жумаева, унинг отаси Қобил Жумаев ҳамда Мастура Исломова жамоатчилик асосида ҳақ тўланадиган ишларга жалб этилди.

"Янгиобод" МФЙ Туркон қишлоғида яшовчи ногиронлиги бўлган фуқаро Ҳанифа Юнусова хонадонида бўлган парламент аъзоси унинг синглиси зардўз Ҳафиза Юнусовани туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркор аёл Робия Юнусовага бириктирди. Бундан ташқари, ўзгалар кўмагига муҳтож бўлган опасига қараб келаётгани учун унинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, туман пенсия жамғармасига топширилди. Энди унга ногиронга қараб келаётганлиги учун меҳнат стажини ҳисоблаш йўлга қўйилади.

Юрунболо қишлоғида яшовчи Лобар Комилова 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги ва турмуш ўртоғининг дардга чалинганлиги боис ҳеч қаерда ишлай олмаётганлигини билдириб, 2 ёшгача бола парвариши учун тўланадиган нафақа тайинланишида амалий ёрдам сўраб мурожаат этди. Ушбу мурожаат ҳам депутат кўмаги билан ижобий ҳал этилди.

Учрашувлар давомида "Қулонхона" МФЙ Қулонхона қишлоғида яшовчи Исмат Рўзиев ҳамда Гулчеҳра Ҳотамованинг газ таъминоти борасидаги мурожаатлари ҳам қаноатлантирилди: керакли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, фуқароларнинг хонадонларига газ баллони ва суюлтирилган газ етказиб берилди.

"Талалиён" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Талалиён қишлоғида яшовчи кам таъминланган оила — Ойбек Эргашев бир нафар вояга етмаган қизи Гўзал Эргашева билан бирга истиқомат қилади. Ҳозирги кунда фуқаро шифохонада ётиб даволанмоқда. Унга даволаниши ва оиланинг оёққа туриб кетиши учун моддий ёрдам зарур. Депутат Жаҳонгир Ширинов тегишли тартибда Ойбек Эргашевга моддий ёрдам тайинланишини таъминлади.

Шунингдек, Талалиён қишлоғида яшовчи Тожиддин Исматов 600 минг сўм пенсия олади, бу нафақа пули унинг даволаниши учун зарур бўлган дори-дармонларига етмайди. Шифокорлар охирги пайтларда ундан умуман хабар олишмаган. Қизи Нилуфар Исматова эса вояга етмаган фарзанди билан уй-жойга муҳтож. Мазкур масалалар юзасидан депутат иш олиб борди ва туман тиббиёт бирлашмаси томонидан унга зарур бўлганида 4-қишлоқ врачлик пунктидан биринчи ёрдам учун

ажратилган дори-дармон воситалари берилиши белгиланди. Бемор ҳолидан доимий равишда хабар олиб туриш учун патронаж ҳамшира бириктирилди. Туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан Нилуфар Исматованинг аризаси олиниб, 2019 йилда кам таъминланган фуқаролар учун намунавий уй-жойдан унга ҳам ажратиш мақсадида рўйхатга киритилди.

Депутат Назир Собировнинг Бухоро тумани "Соҳибкор" ҳамда "Истиқбол" МФЙларидаги ўрганишлари ҳам самарали бўлди. Дастлаб туман давлат солиқ инспекциясига қарашли 4-сектор фаолияти билан танишилди. Шундан сўнг аҳоли билан учрашувларда кўтарилган масалаларнинг ечимига доир чоралар кўрилди.

Ўрганишлар давомида аҳоли томонидан бандлик, йўл, тоза ичимлик суви ҳамда газ таъминоти билан боғлиқ масалалар кўтарилди. Шунингдек, бир гуруҳ фуқаролар тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредит олиш бўйича мурожаатлари натижасиз қолаётганидан шикоят қилдилар. Хусусан, жорий йилда "Қишлоққурилишбанк" туман филиалига 204 нафар фуқаро мурожаат этган бўлса, шундан атиги 69 нафарига кредит ажратилган, холос. Бу борадаги масалалар депутат назоратига олинди.

13-умумтаълим мактаби биносида ташкил этилган сайёр қабулда парламент аъзоси қабул қилинаётган қарор ва фармонлар ҳамда қонунчиликдаги ўзгаришлар хусусида тўхталиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари устуворлиги мужассамлигини таъкидлади. 1979 йилда қурилган ушбу мактаб биносининг олд қисми жорий таъмирланган бўлса-да, синф хоналари ва 2016 йилга қадар ишлаб келган спорт зали таъмирталаб аҳволда. Том қисмига яқин жойдан махсус темир мосламалар билан ушлаб турилган бино қулаб тушиши, кимгадир зиён келтириш эҳтимоли йўқ эмас. Мактабда спорт анжомлари деярли йўқ. Бу эса ўқувчиларнинг спортга бўлган иштиёқи, танловлардаги иштирокига ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

"Соҳибкор" МФЙ Олмазор кўчасида жойлашган қишлоқ врачлик пункти ўрганилганда бинонинг таъмирталаб ҳолатда эканлиги аниқланди. Беморларнинг кундузги стационар даволаниши учун шароитлар етарли даражада эмас. Ушбу масала юзасидан депутат туман тиббиёт бирлашмаси ва туман молия бўлими раҳбарларига тегишли тавсиялар берди.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Кўтарилган масалалар депутат назоратига олинди

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев партия вилоят кенгаши раиси Илҳом Ражабов ҳамроҳлигида Навоий шаҳридаги "Ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашди. "Уйма-уй" лойиҳаси доирасидаги мулоқотларда хонадонлар вакиллари билан суҳбатлашилиб, мавжуд муаммолар билан танишилди. Жумладан, Зулфия Ўроқова, Алиқул Бўронов, Гулнора Комилова, Турди ота Жумаевлар билан учрашув чоғида фуқаролар бугунги тинч ва осуда юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотларга ўз муносабатларини билдириб, ҳаракатчан ва ташаббускор инсонлар учун барча шароит мавжудлигини, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, албатта, роҳатини кўришини алоҳида таъкидладилар.

— Банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, уйимда қандолатчилик билан шуғулланаяпман, — дейди Гулнора Комилова. — Айни пайтда хомашё етарли. Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналарга буюртма берганман. Ҳозирда қўл меҳнати асосида нишолда, парварда ишлаб чиқараяпмиз. Маҳсулотимиз шу куннинг ўзида сотилмоқда, даромад ёмон эмас. Ускуналар келгандан кейин фаолиятни кенгайтириб, янги иш ўринлари очмоқчиман.

— 8 сотиҳдан иборат ҳовлимизда фарзандларим билан маслаҳатлашган ҳолда иссиқхона ташкил қилдим, — дейди 65 ёшни қаршилаган Турди ота Жумаев. — Ўтқазган лимон кўчатларимиз 3 йиллик бўлди. Бир қисмида карам, картошка, помидор етиштириб, шаҳримиз аҳолиси дастурхонига етказиб беряпмиз. 7-8 бош чорвамиз бор. Хуллас, рўзғоримиз бут, дастурхонимиз тўкин. Даромадимизнинг баракасини берсин. Айни пайтда уйимизни замонавий қилиб таъмирлаяпмиз.

Маҳалла биносида депутат иштирокида ўтказилган сайёр қабулда фуқаролар Олим Мавлонов, Ойтош Гуленова ва бошқалар маҳалла идораси бундан 55 йил муқаддам қурилган бинода жойлашгани, бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, шунинг учун маҳалла ҳудудида янги "Маҳалла гузари" қуриш таклифини билдирдилар. Шунингдек, ҳудудда мактабгача таълим муассасаси, спорт мажмуаси йўқлиги, боғча ва спорт мажмуаси қуриш, Эшбўтаев ва Туркман кўчаларини таъмирлаш масаласида мурожаат қилинди.

Тадбирда "Хумо Зилола" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Озода Жўраева аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлари хусусида тўхталиб, шундай деди:

— Ширкатимиз кўп қаватли олтита уйда истиқомат қилувчи 142 оила — 728 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бизда канализация муаммоси мавжуд. Айни пайтда насос ёрдамида чиқарилаётган чиқинди сув "Дўстлик" массиви ҳудудига ташланмоқда. Бу эса ҳам экология, ҳам санитария ҳолатларига зид. Бир неча бор тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Смета ҳужжатларини тайёрлаганмиз. Уни шаҳар канализация тизимига улашда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Мазкур мурожаат депутат назоратига олинди.

Козим Тожиев халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Илҳом Раҳматов билан бирга Истиқлол маҳалласида сайёр қабул ўтказди. Унда 20 га яқин мурожаат бўлди. "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида "Гулистон-3" ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилди. Жумладан, Рашид Азизов яшаб турган хонадонини кадастр қилиш борасида маслаҳат сўради. Унга Навоий шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ходимлари томонидан дастлаб шаҳар давлат хизматлари марказига мурожаат қилиши лозимлиги ва уч иш кунида ушбу муаммо ижобий ҳал этилиши тушунтирилди.

Абдували БЎРИЕВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Муносабат

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бугун мамлакатимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчасига юқори малакали кадрлар зарур. Бироқ бугунги кунга қадар мамлакатимизда бундай кенг кўламли вазифани ҳал этадиган таянч олий таълим муассасаси мавжуд эмас эди.

Президент қарори бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий тараққиёти, бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва ижодий ишлар самарадорлигини таъминлаш ушбу соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини тубдан оширишда муҳим қадам бўлгани шубҳасиз.

Қарорда янги ташкил этиладиган Университет зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Журналистика соҳасини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асослари, замонавий медиатехнологияларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали журналист кадрларни миллий ва халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш, мамлакатимизнинг оммавий коммуникация ва журналистика соҳасида эришган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва ҳудудларда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситаларининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш, ўқув жараёнига замонавий ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш усулларини жорий этиш шулар жумласидандир.

Қарорда назарда тутилган журналистика соҳаси таълимини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этиш, илғор хорижий технологияларни жорий қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш, истиқболли ёш битирувчиларни хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларининг магистратура ва докторантурасида таълим олиш учун мунтазам юбориш орқали Университетнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш ҳамда республика оммавий ахборот воситалари мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, илмий-методик базасини шакллантириш ва ўқув-методик раҳбарликни амалга ошириш вазифалари мамлакатимизда журналистика соҳасининг изчил ривожланишига замин яратади.

Қувонарлиси, кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжлари ўрганилиб, Университетнинг сиртқи таълим шакли бўйича қабул квоталари белгиланади. 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб журналистика соҳасига меҳр қўйган, қобилиятли, бироқ айрим сабабларга кўра олий таълимга эга бўлолмаётганлар сиртқи таълимда ўқиш имконига эга бўлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси журналистика ва оммавий коммуникациялар масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, ахборотлаштириш муаммоларини самарали ҳал этиш, Ўзбекистоннинг глобал коммуникация жараёнларида фаол қатнашиши, миллий мафкура майдони, миллий ахборот макони муҳофазасини таъминлашни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг калити, деб билади. Шунингдек, ОАВнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган шароитлар яратиш, миллий матбуотимиз сифати, маҳорати ва самарадорлигини дунёдаги ривожланган оммавий ахборот воситаларига қўйиладиган юксак талаб ва тамойиллар даражасига кўтариш тарафдори. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ахборот маконида соғлом рақобат муҳитининг шаклланиши, плюрализмнинг таъминланиши, ОАВ орқали аҳоли турли қатламлари фикр ва ижтимоий кайфияти ифода этилишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Партия эски тузум асоратлари ва қолипларидан бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлодини шакллантиришга хизмат қиладиган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Партия айнан шундай журналистларни халқимизнинг, аввало, эркин ва тараққий этган жамиятни барпо этишнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавий қадриятларини мустаҳкамлаш ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий фуқаросига хос эзгу фазилатларни шакллантириш ишида ўзининг ижтимоий таянчи ва ҳамкори, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун ҳам мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари томонидан жамоатчилик ҳамда депутат назоратига олиш, парламент назорати институтидан самарали фойдаланиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Мухтасар айтганда, ушбу қарор ижроси жаҳон ахборот макони глобаллашуви даврида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятининг янги босқичга кўтарилиши, журналистика соҳасида етук кадрлар тайёрланиши, соҳада ихтисослашувнинг ривожланишига замин яратади.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши
бўлим бошлиғи

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ИСТЕЪМОЛИНИ ҚОНУНИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ЗАРУР

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мазкур қонун лойиҳасига кўра, энергетик ичимликларни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш, ёши ва жинсидан қатъи назар барча шахсларга бепул тарқатишни ман этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу турдаги ичимликларнинг рекламаси ва савдосини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари бинолари, жамоат жойлари, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари ҳамда спорт, ижтимоий ва маданий тадбирларда аудио, визуал ва мультимедиа воситалари, матн, кўргазмали қўлланмалар, баннерлардан фойдаланган ҳолда амалга оширишни чеклаш ҳамда белгиланган тартибни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш каби масалалар ўз аксини топган.

Фойдасидан зарари кўп бўлган қувват улашувчи ичимликлар савдоси ва рекламаси билан боғлиқ фаолиятни тартибга солишга қаратилган мазкур қонун лойиҳаси бугунги кунда партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия фаоллари ҳамда жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилиниб, таклифлар олиняпти. Айниқса, ижтимоий тармоқларда ушбу мавзу доирасидаги баҳс-мунозаралар, тортишувлар қизғин тус олаётгани эътиборли. Бир гуруҳ фойдаланувчилар ушбу турдаги ичимликлар истеъмолини қўллаб-қувватласа, бошқалари унинг буткул зарарли экани, ҳеч қандай фойдаси йўқлиги, аксинча, ҳам соғлиққа, ҳам чўнтакка зиён келтиришини таъкидлашган.

Яқинда парламент қуйи палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ижрочи котиби Дониёр Эркинжонов "Facebook" ижтимоий тармоғида миллий сегментдаги энг катта аудиториялардан бирига эга бўлган "Халқ билан мулоқот", "Maslahat.uz" гуруҳларида энергетик ичимликларни чеклаш бўйича ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг қонунчилик ташаббусини муҳокамага қўйган эди. "Сизнинг фикрингиз биз учун муҳим" сарлавҳали мазкур қайдда қуйидагича изоҳ қолдирилган: **"Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган мазкур қонун лойиҳаси билан "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Яъни, истеъмолчи 18 ёшга тўлмаган бўлса, унга қувват берувчи ичимликлар сотилмайди, сотилса ва сотиб олса, энг кам иш ҳақининг 5-7 бараваридан 15 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади. Қонун лойиҳасида 18 ёшга тўлмаганлар орасида энергетик ичимликларнинг ҳар қандай тарғиботини ман қилиш, тиббиёт, спорт, таълим муассасалари, йўловчи ташиш транспортлари, жамоат жойларида, шунингдек, кундузги соат 7 дан тунги соат 22 га қадар электрон шаклдаги энергетик ичимликларни реклама қилишни тақиқлаш бўйича тегишли меъёрлар ўз аксини топган. Маълумот учун, ушбу ичимликда инсонлар саломатлигига хавф солувчи кофеин, гуарана, таурин каби моддалар мавжуд. Муносабатингизни билдиринг! Гап сиз ва сизнинг фарзандларингиз ҳамда давлатимиз келажаги пойдеворларининг саломатлиги тўғрисида кетмоқда. Қонунни такомиллаштириш бўйича аниқ фикрларни билдирган иштирокчи Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтадиган қонун лойиҳаси муҳокамасига таклиф этилиши мумкин!"**

Фракция ижрочи котибининг ушбу изоҳи 820 дан ортиқ фойдаланувчиларнинг турли фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлди. Аксарият фойдаланувчилар қувват улашувчи ичимликлар зарарли, айниқса, жигарнинг душмани эканлигини қайд этган. Қуйида бир гуруҳ фойдаланувчиларнинг фикрларини келтиришни жоиз деб топдик:

Маҳлиё Атоева: "Шу энергетик ичимликлар, адашмасам, 5-10 йил ичида оммалашди. Ота-боболаримиз бу ичимликсиз қандай яшашган бўлса, ҳозирги ёшлар ҳам уларсиз яшайверишади. Умуман, республика ҳудудида чеклаш керак. Инсон саломатлигига ҳам, чўнтагига ҳам зарар, деб ҳисоблайман. Нимага керак бу учун миллионлаб пул сарфлаб реклама қилиш".

Асқарали Алланазаров: "Ассалому алайкум, барча юртдошларга шуни айтмоқчиманки, бу энергетик ичимликнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Мен узоқ йўлга жуда кўп қатнайман. Бу ичимликлар уйқуни ўчиради дейишади, пулини ўйлаб ўчмаса яна ким билсин, менинг фикрим шундай".

Нодир Алибеков: "Касалликни даволаш ўрнига, кесиб ташлашга ўрганиб колганмиз! Зарарли нарсаси бор бўлса, нимага шунча пайтдан бери бемалол сотилиб келинган? Нархи 2-3 баробар кўтарилса, халқнинг ўзи олмай қўяди".

Зухра Ашурова: "Энергетик ичимликларни чеклаш — бу айни муддао. Бу соғлиқ учун зарарли ҳисобланади. Рекламаси ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак".

Нигора Зоирова: "Яхши бўлибди! Таъқиқлаш керак! Ҳеч қандай энергия бермайди бу ичимликлар. Аксинча модда алмашинувини кучайтириши ҳисобига одам ўзини дастлаб кучга тўлгандек ҳис қилса, кейин ҳолсизланиб қолади. Организм учун зарар. Ҳеч қандай фойдаси йўқ".

Шавкат Бойматов: "Хайрият, шу зарарли нарсаларни йўқотишга ҳаракат қиладиган одамлар ҳам бор эканини билиб қувониб кетдим. Ахир болаларимиз тушунмасдан ичишяпти".

Гувоҳи бўлганимиздек, кўплаб фуқаролар энергетик ичимликлар истеъмолига қарши эканини, унинг инсон соғлиғига зарарлигини қайд этган. Дарҳақиқат, тиббиёт мутахассисларининг маълумотларига қараганда, қувватбахш ичимликлар артериал босим ва қондаги қанд миқдорини оширади, депрессия ва асабийликни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, юрак урушининг меъёрини издан чиқариш эҳтимоли юқори эканлиги кузатилмоқда. Шундай экан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси долзарб аҳамиятга эга. Унинг қабул қилиниши қувват берувчи ичимликларни реклама ва реализация қилиш устидан самарали мувофиқлаштириш ва назорат қилиш механизмларини ўрнатишга, шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларидаги мавжуд бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган жисмонан соғлом ва баркамол янги авлодни тарбиялаш учун янада қулай шароитлар яратиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш сингари дастурий вазифалар ижросида муҳим ўрин тутади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат сўрови — халқ сўрови

ЭЛГА ҚАЙИШГАННИ ЭЛ СУЯЙДИ

Инсон кундалик ҳаётида турли вазиятларга, муаммоларга дуч келади. Шунда у кўмак истаб яқинларига, тегишли ташкилотлар мутасаддиларига мурожаат қилишга мажбур бўлади. Ана шу паллада унга ёрдам қўлини чўзган, оғирини енгил қилган инсонни бир умр унутмайди...

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари 2018 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатнинг жойлардаги ижроси ҳамда партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, муайян ишларни амалга оширди. Фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди.

— 2018 йилнинг биринчи чорагида Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари фуқаролар мурожаатлари асосида 114 депутатлик сўровини амалга оширди, — дейди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Левитан Абдимуратов. — Сўровларнинг 32 таси амалдаги қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси бўйича, 82 таси фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида юборилган. Аҳоли мурожаатларининг асосий қисми уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ва бандликка оид. Ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиш ва ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилинаётир.

Депутатлик сўровларининг 25 таси халқ депутатлари Қорақўзак туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ҳиссасига тўғри келади. Халқ депутатлари Амударё, Кегейли, Қўнғирот туман Кенгашлари депутатлари 8 тадан депутатлик сўрови юборган. Бироқ Чимбой туманидан атиги битта сўров амалга оширилган, Тўрткўл туманидан эса умуман юборилмаган.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Мурод Қурбонов Нукус шаҳар Навоий кўчаси 4-уйда истиқомат қилувчи Турғанбай Жамоловнинг оиласида, депутат Алима Маткаримова Нукус шаҳар Кербиш завод шаҳарчаси Г.Тилемуратов кўчаси 99-уйда яшовчи пенсионер Серегул Утегенова хонадонида бўлиб фуқароларнинг муаммолари билан атрофлича танишди. Уларнинг шикоятлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Нукус шаҳар ҳокимлигига депутатлик сўровлари юборилди.

— Хонадонимиз таъмирталаб, турмуш ўртоғим иккинчи гуруҳ ногирони, неварамда ҳам туғма ногиронлик бор, — дейди Серегул Утегенова. — Хонадонимизни таъмирлаш ҳамда турмуш ўртоғим ва неварамни даволатиш бўйича хонадонимизга келган ЎзМТДПдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайланган депутатларга ёрдам сўраб мурожаат қилдим.

Фуқаронинг мурожаати маҳалла оқсоқоллари билан атрофлича ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган ҳомийлар бириктирилди. Вақтинча ишсиз оила аъзоларини иш билан таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди.

Фуқаролардан келиб тушган шикоятлар ва жойлардаги юзма-юз мулоқотларда аниқланган камчиликлар ўз вақтида ва ижобий ечим топаётгани партия вакилларининг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмаётганидан дарак беради. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан ўтган даврда фуқаролар билан мулоқотларда аҳолини қийнаётган муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Венера Каленованинг "Нукусшаҳаргаз" унитар корхонасига, халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгаши депутати Хожибой Отажоновнинг Қорақалпоғистон Республикаси "Шимолгазтаъминот" унитар корхонаси Хўжайли тумани бўлимига юборган сўровларида аҳолининг газ таъминотида муаммолари мавжудлиги, маҳаллаларда қўшимча газ тақсимлагич ускунасини ўрнатиш ва газ босимини ошириш лозимлиги билдирилган. Икки ҳолатда ҳам тегишли ташкилотлардан муаммоларнинг алоҳида бино йўқлиги боис, маҳалла идораси айни пайтда тумандаги 55-умумтаълим мактабига қарашли хонада фаолият олиб бораётгани хусусида шикоят қилган. Боз устига "Халқ банки"нинг Хўжайли туман бўлими ҳудудда яшовчи пенсионерларга нафақа пулларини мазкур хонада тарқатаётган экан. Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси юзасидан ушбу муаммони бартараф қилиш бўйича Хўжайли туман ҳокимига депутатлик сўрови юборилган. Орадан кўп ўтмай туман ҳокимининг кўрсатмаси билан тумандаги "Хўжайли гуруч" корхонасининг "Қумбиз" МФЙ ҳудудидаги филиали идорасидан маҳалла идораси учун иккита хона ажратиб берилди. Энди маҳалла оқсоқоли ва унинг ёрдамчилари фуқаролар билан эмин-эркин фаолият олиб бориш имконига эга бўлди.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Мурод Қурбонов Нукус шаҳар Навоий кўчаси 4-уйда истиқомат қилувчи Турғанбай Жамоловнинг оиласида, депутат Алима Маткаримова Нукус шаҳар Кербиш завод шаҳарчаси Г.Тилемуратов кўчаси 99-уйда яшовчи пенсионер Серегул Утегенова хонадонида бўлиб фуқароларнинг муаммолари билан атрофлича танишди. Уларнинг шикоятлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Нукус шаҳар ҳокимлигига депутатлик сўровлари юборилди.

— Хонадонимиз таъмирталаб, турмуш ўртоғим иккинчи гуруҳ ногирони, неварамда ҳам туғма ногиронлик бор, — дейди Серегул Утегенова. — Хонадонимизни таъмирлаш ҳамда турмуш ўртоғим ва неварамни даволатиш бўйича хонадонимизга келган ЎзМТДПдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайланган депутатларга ёрдам сўраб мурожаат қилдим.

Фуқаронинг мурожаати маҳалла оқсоқоллари билан атрофлича ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган ҳомийлар бириктирилди. Вақтинча ишсиз оила аъзоларини иш билан таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига депутатлик сўрови билан мурожаат қилинди.

Фуқаролардан келиб тушган шикоятлар ва жойлардаги юзма-юз мулоқотларда аниқланган камчиликлар ўз вақтида ва ижобий ечим топаётгани партия вакилларининг саъй-ҳаракатлари бесамар кетмаётганидан дарак беради. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан ўтган даврда фуқаролар билан мулоқотларда аҳолини қийнаётган муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутати Венера Каленованинг "Нукусшаҳаргаз" унитар корхонасига, халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгаши депутати Хожибой Отажоновнинг Қорақалпоғистон Республикаси "Шимолгазтаъминот" унитар корхонаси Хўжайли тумани бўлимига юборган сўровларида аҳолининг газ таъминотида муаммолари мавжудлиги, маҳаллаларда қўшимча газ тақсимлагич ускунасини ўрнатиш ва газ босимини ошириш лозимлиги билдирилган. Икки ҳолатда ҳам тегишли ташкилотлардан муаммоларнинг ижобий ечими бўйича жавоб олинди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Амударё туман Кенгаши депутати Соатбой Наметов тумандаги 18-умумтаълим мактаби раҳбариятининг ўқув даргоҳи деразаларини янгилаш, ошхона ва фаоллар залини таъмирлаш ҳамда мактаб атрофини ўраб турувчи панжара тўсиқларини алмаштириш бўйича амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати асосида туман молия ва халқ таълими бўлимларига депутатлик сўровлари юборган. Тез орада Амударё туман халқ таълими бўлимида махсус ишчи гуруҳ ташкил этилиб, мактабдаги ҳолат ўрганилди ҳамда таълим муассасаси "2019-2029 йилларда умумтаълим мактабларини янгидан қуриш, капитал реконструкция ҳамда капитал таъмирлаш дастури"га асосан 2020 йилда қурилиш-таъмирлаш режасига киритилганлиги, шунингдек, жиҳозлаш ишлари бажарилиши маълум қилинди.

— Мамлакатимизда фуқароларга муносиб турмуш шароитларини яратиш, аҳолининг турли қатламлари эҳтиёж ва муаммоларини ўз вақтида ва ижобий ҳал этиш ҳар бир юртдошимиз орзу-умидларига қанот бағишлайди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси раҳбари Мурод Қурбонов. — Аҳолининг оғирини енгил қилиш, яшаш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш партиямиз депутатларининг бирламчи ва устувор вазифаларидан ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун экани, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозимлигини билдиради. Зеро, халқимиз ўз ҳаётидан рози бўлсагина юртимиз тараққий этиб бораверади.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, уларнинг дарди ва муаммоларини бартараф этиш аҳоли вакилларида депутатларга, қолаверса, давлат идораларига бўлган ишончни оширади. Шундай экан, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ана шу ишончни сўндирмаслик йўлида астойдил фаолият олиб боришлари талаб этилади.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
22 (506) 2018 йил 30 май, чоршанба

Ички туризм

"ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТ ҚИЛ!" ДАСТУРИ — АМАЛДА

Буюк тарихимиз ва аждодларимиз меросини ўрганишга иштиёқ, миллий анъана ва урф-одатларимизнинг ҳаётимиздан чуқур жой олиб бораётгани, ҳудудларнинг тарихий ва бугунги манзараси юртдошларимиз орасида ички зиёрат туризмининг кенг ривож топишида муҳим омил бўлмоқда. Шу боис ҳам бугун қай бир қадимий шаҳримиздаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларга борманг, ҳамиша гавжум эканига гувоҳ бўласиз.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ва ушбу фармоннинг ички туризм бўйича ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил 7 февралда қабул қилинган "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада изчил давом эттиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам миллий тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, аждодлар меросини асраб-авайлаш, сақлаб қолиш, шунингдек, туризм соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш устувор мақсад-вазифалардан бири сифати белгиланган. Ушбу мақсад-вазифани адо этишда бугунги кунда партия фаолиятида тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда, чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётир. Ички туризм ривожига ҳисса қўшиш мақсадида турли акциялар ташкил этилмоқда.

Мазкур акциялар доирасида муқаддас қадамжо, зиёратгоҳ, тарихий обида ва туристик масканларга саёҳат уюштирилиб, улар ҳақида иштирокчиларга кенг маълумот берилаётир. Саёҳатларда партиянинг "Ёшлар қаноти" вакиллари фаол ва ташаббускор бўлиб, унга асосан уюшмаган ёшлар жалб этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — ўзлигимиз, миллий тарихимизни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш ва ички туризмга ҳисса қўшишдан иборат.

ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" ташкил этган экскурсияда шаҳардаги "Бобоякка" зиёратгоҳига ташриф уюштирилди. Экскурсия давомида мазкур зиёратгоҳнинг нафақат тарихи ўрганилди, балки партиянинг "Тарихдан садо бергувчи обод гўшалар" шиори остидаги "Юртим тарихини ўрганаман" номли ёшлар акцияси доирасида муқаддас қадамжо атрофи ободонлаштирилди.

— 2017 йили партия ходимлари билан бирга мавжуд маданий-меъморий ёдгорликлар, тарихий обидалар ҳақида маълумотлар йиғиш ҳамда уларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш мақсадида мазкур зиёратгоҳга борган эдик, — дейди халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Саҳоб Мусаев. — Ушбу зиёратгоҳ гарчи 2007 йилда давлат муҳофазасига олинган бўлса-да, эътибордан четда қолиб келаётган эди. Ўтган давр мобайнида партия ходимлари билан ҳамкорликдаги ишларимиз самараси ўлароқ бугун ҳудудга ўзгача файз кирди. Зиёратгоҳга ташриф буюрувчилар сони ортиб бораётир. Демак, қайсидир маънода, партиямиз кўзлаган мақсадга эришяпти. Ҳудудга бўлган эътиборни янада кучайтирсак, келгусида мазкур қадамжога хорижий сайёҳларни ҳам жалб қилиш имкони пайдо бўлади.

Қолаверса, аҳоли даромадлари ошиб бораётгани ва сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашаётгани самарасида мамлакатимизда ички туризм тобора ривожланмоқда. Юртимиз бўйлаб саёҳат қилиш, табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш анъанага айланмоқда. Яқинда ЎзМТДП Фориш туман кенгаши Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этди. Унда асосан ҳудуддаги уюшмаган ёшлар қамраб олинди. Иштирокчилар мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мангу қўним топган масканни зиёрат қилди. Шундан сўнг саёҳатчилар Регистон майдони, Мирзо Улуғбек мажмуасидаги музей ва расадхона, Амир Темур мақбараси, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ҳамда Шоҳи Зинда ёдгорлиги билан яқиндан танишди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан буюк алломалар ижодини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган "Турон замин даҳолари" шиори остидаги саёҳат ҳам ёшлар фаоллигида ўтди. Унда қадим Бухорода ўтган етти пир муқаддас қадамжоларига зиёрат амалга оширилди. Ёшлар етти пири муршид — Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитоний, Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида бўлдилар.

— Партиянинг бу каби зиёрат ва саёҳатларни уюштириши нафақат ёшларимизни маънан ва руҳан тарбиялашда, балки ички туризмни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиядан сайланган депутат Шерали Саломов. — Партия уюштираётган зиёрат ва саёҳатлардан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шундан иборат. Бундан ташқари, буюк алломалар, азиз-авлиёларга атаб қурилган муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш ёшларда маърифий ва руҳий тиниқлик, ўзликни англаш каби туйғулар шаклланишига хизмат қилади. Аждодларнинг ўгитлари ва насиҳатларига эргашишга ундайди. Юртимизда бундай муқаддас қадамжолар талай. Келгусида уларни ҳам зиёрат қилишни ният қилдик.

* * *

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "Турон замин даҳолари" шиори остида ташкил этилган Андижон шаҳри бўйлаб саёҳатда ҳудуд тарихини, бу ерда яшаб ижод қилган буюк алломалар ижодини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, маданий мерос объектлари ва музейлар фаолияти билан ёшларни яқиндан таништиришга эътибор қаратилди.

"Ёшлар қаноти" фаоллари, Шаҳрихон ва Бўз туманларидан уюшмаган ёшлар, вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш давлат инспекцияси, Андижон вилояти тарихи ва маданияти музейи мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтган тадбир аввалида Андижон шаҳридаги Чўлпон хиёбонида қад ростлаган Абдулҳамид Чўлпон ҳайкали пойига гул қўйилди. Шундан сўнг иштирокчилар Чўлпон уй-музейида бўлиб, унинг ҳаёти ва ижоди билан танишдилар. "Андижон Регистони" дея ном олган майдон атрофидаги тарихий бинолар ҳақида соҳа мутахассислари кенг маълумот берди. Саёҳат давомида Дукчи Эшон қалъасида жойлашган тасвирий санъат музейи ҳамда Бобур боғидаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи фаолияти билан ҳам танишилди.

Саёҳат доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар ушбу саёҳат давомида олган таассуротлари билан ўртоқлашди. Давра суҳбатида сўзга чиққан партия вилоят кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов келгусида бу каби тадбирлар вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам ташкил этилиши мўлжалланаётганини таъкидлади. Зеро, бу каби тадбирлар партия сайловолди Платформасида белгиланган маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни асраш билан бирга бойитиш ҳамда уларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга кўмаклашиш каби вазифалар ижросига хизмат қилади.

Амалий тадбир давомида ёшлар вилоятдаги маданий мерос объектлари, қадамжоларнинг тарихи ва бугунги ҳолати, уларни муҳофаза қилиш ишлари ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлдилар.

* * *

Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашига партиядан сайланган депутатлар ташаббуси билан ЎзМТДПнинг бир гуруҳ фахрий аъзолари учун зиёрат саёҳати ташкил этилди. Зиёратчилар Шеробод тумани ҳудудида жойлашган Исо ат-Термизий, Термиз туманидаги ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳларида ҳамда "Султон саодат" ва "Қирқ қиз" қалъаларида бўлдилар. Мазкур саёҳат нуроний отахонлар ва ЎзМТДПнинг фахрий аъзоларида ўчмас таассурот қолдирди.

Саёҳат ва зиёрат акциялари ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, юртимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси билан таништириш, шунингдек, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастурини амалга ошириш мақсадида уюштирилаётир. Бу каби акция ва саёҳатлар жараёнида ёшлар онгида миллий ўзлигимиз, ватанга муҳаббат, аждодлар меросига садоқат ва ҳурмат туйғулари шаклланади. Ички туризмни ривожлантириш, муқаддас қадамжоларни жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш мақсадида бундай зиёрат ва саёҳат акцияларини йил давомида ташкил этиш режалаштирилган.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ФАОЛИЯТИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ва янги босқичга кўтаришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ташкил этди. Унда ЎзМТДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Сайфулла Маҳматмўминов бошланғич партия ташкилотларининг партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш — электорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бугунги изчил ислоҳотлар жараёни сиёсий партиялар қуйи бўғинларининг фаолиятини жонлантириш, уларнинг электорат билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, аҳоли орасига чуқур кириб бориш, фуқароларни ўйлантираётган масалаларни излаб топиш ва ечимига қаратилган аниқ ташаббусларни илгари суришни тақозо этмоқда.

Белгиланган вазифалар самарадорлигини ошириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш мақсадида ташкил этилган семинарда партия Қашқадарё вилоят кенгаши тизимидаги қуйи бўғинлар олдида турган долзарб масалаларга эътибор қаратилди.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида 14 мингга яқин ЎзМТДП аъзоларини ўзида бирлаштирган 577 бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг мурожаат ва қизиқишларини ўрганиш ҳамда ҳимоя қилиш, партия хайрихоҳлари сафини кенгайтириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Семинарда эришилган натижалар билан бир қаторда қуйи бўғинлар фаолиятидаги муаммо ва камчиликлар танқидий таҳлил этилди. Айрим бошланғич партия ташкилотларида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш, фаолиятга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашда камчиликларга йўл қўйилаётгани, баъзи қуйи бўғинлар номигагина фаолият юритаётгани қайд этилди. Уларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар билдирилди.

— Фидойилик билан меҳнат қилиш барча даражадаги партия ташкилотлари фаолиятининг самарали бўлишини таъминлайди, — деди партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Туйғун Дўстқобилов. — Шундан келиб чиққан ҳолда партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари ва БПТ етакчилари ҳар бир ишни режа асосида йўлга қўйиши, зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиши лозим. Шундагина "Намунали туман кенгаши" ва "Намунали бошланғич партия ташкилоти" номига эришиш мумкин. Шунингдек, сиёсий партиялар учун синов даври — сайлов жараёнларига ҳам оз фурсат қолди. Шу давр мобайнида сайловга тайёргарликни кучайтириш, бу борада, айниқса, бошланғич партия ташкилотларининг тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозим.

Семинарда таъкидланганидек, бошланғич партия ташкилотлари оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиши зарур. Бу ҳақда сўз борар экан, сўнгги пайтларда бошланғич ташкилотлар ҳамда партия туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишида сусткашликка йўл қўйилаётгани танқидий таҳлил қилинди.

— Партия дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, партия хайрихоҳлари сафининг кенгайишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади, — дейди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот котиби Шаҳноза Қаҳҳорзода. — Бунинг учун барча даражадаги партия ташкилотларининг амалий иш ва ташаббусларини газета-журналлар, теле ва радиоканаллар, ижтимоий тармоқларда ёритилишини тизимли йўлга қўйиш лозим.

Семинарда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Абдусалом Ҳимматов вилоятдаги қуйи бўғинлар фаолиятини янги босқичга кўтариш, уларнинг депутатлар билан ҳамкорлигини кучайтириш, фаолиятида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишнинг муҳим жиҳатлари ҳақида мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

Бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, партия ташкилотлари ва гуруҳлари билан мунтазам ҳамкорликни бугунги кун талабларига мувофиқ такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилди.

Дилшод АЛЛАЕВ,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали қошидаги бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

— Семинар жараёнида партиямизнинг мақсад ва вазифаларини тўлиқ амалга ошириш учун бугунги кунда олдимизда муҳим вазифалар тургани, улар ижросини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни изчил амалга ошириш лозимлигини яна бир карра англадик. Фаолиятимизни тизимли ташкил этишда асқотадиган ҳужжатларни юритиш борасида керакли тавсия ва маълумотлар олдик. Қуйи бўғинлар фаолиятини ривожлантиришимиз, электорат билан ўтказаётган тадбирлар мазмун-моҳиятига эътибор қаратишимиз, партия аъзолари сонини кўпайтиришда тарғиботнинг кутилмаган, ноанъанавий усулларидан фойдаланишимиз лозимлиги таъкидланди. Семинардан олган билим ва кўникмалар келгуси фаолиятимизда дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши бош мутахассиси

ЎзМТДП ташкилотларида

КУРАШ — МИЛЛИЙ ИФТИХОРИМИЗ

Мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимиз кенг ривож топиб, жамиятимиз ҳаётидан муқим ва муҳим ўрин эгалламоқда. Бу жараёнда миллий спорт турлари ҳам нафақат юртимиз, балки жаҳон миқёсида оммалашиб бораётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болалар онгига маънавий ва жисмоний комилликка эришишда спортнинг роли муҳимлигини сингдириш, навқирон авлодни спортга жалб этиш каби устувор мақсад-вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий спорт турларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, полвонларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар сафини янада кенгайтириш, кураш билан шуғулланиш учун ёшларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти", Ўзбекистон кураш Федерацияси вилоят бўлими ҳамкорлигида Оқдарё туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида курашнинг уч вазн тоифасида мусобақа ташкил этилди. Унда туман ҳамда шаҳарларда бевосита спортнинг миллий кураш тури билан шуғулланаётган 100 нафарга яқин ёшлар иштирок этди.

— Миллий спорт турларимизда халқимиз зукколиги, турмуш тарзи, урф-одатлари мужассам, — дейди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Зафар Алланов. — Бугунги мусобақа ҳам ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур, мардлик ва саховат, халқаро майдонда мамлакатимиз обрў-эътиборини юксалтиришга интилиш туйғуларини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қизғин кечган мусобақада 50 килограмм вазн тоифасида Абдуваҳоб Мамадиёров, 60 килограмм вазн бўйича Ўлмас Тошпўлатов, 70 килограммда Шаҳзод Назаров биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида ғолиблар ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

АҲОЛИ МУРОЖААТИ АСОСИДА ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши мутасаддилари жорий йилнинг апрель ойида Қибрай тумани "Ҳайдаробод" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашув ўтказганида фуқаролардан тиббий кўрик ташкил этиш юзасидан мурожаат келиб тушган эди. Мазкур мурожаат ўрганилиб, партия вилоят кенгаши ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят бўлими, Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида Ҳайдаробод маҳалласидаги 14-умумтаълим мактаби биносида тиббий кўрик ташкил этилди.

Унда ўндан ортиқ мутахассислик бўйича малакали шифокорлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди. Соғломлаштириш зарур бўлган беморларга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят бўлими томонидан даволаниш учун бепул йўлланмалар, дори-дармонлар берилди.

— Тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланди, — дейди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Шундан келиб чиққан ҳолда барча даражадаги партия ташкилотлари бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга, мавжуд муаммоларни бартараф этишга имкон даражасида кўмаклашмоқда. Жумладан, бугун ташкил этилган тиббий кўрик аҳолининг барча қатлами, айниқса, нуронийлар, ижтимоий муҳофазага муҳтож, жисмоний имконияти чекланган инсонлар учун қулайлик яратади.

Тадбир давомида маънан ва жисмонан баркамол авлодни тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришда партия ташкилотларининг ўрни ва роли салмоқли эканлиги таъкидланди.

— Маҳалламиз аҳолисининг мурожаатини эътиборга олиб тиббий кўрик ташкил этилишига кўмаклашгани учун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мутасаддиларидан миннатдормиз, — дейди "Ҳайдаробод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Карима Қосимбекова. — Турмуш ўртоғим юрак операциясини бошдан ўтказган, ўзим қандли диабет хасталиги билан оғриганман. Турмуш ўртоғим билан тиббий кўрикдан ўтдик, бепул дори-дармонлар олдик. Бу биз учун катта ёрдам бўлди.

Бу каби тиббий кўрикларнинг ташкил этилиши партиянинг аҳоли қатламлари саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурий мақсадларига хизмат қилади.

ҲУНАРМАНДЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳа тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мамлакатимизда ҳунармандчиликни самарали қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотларга кўмакдош бўлмоқда. Жумладан, ЎзМТДП маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза этиш ва қулай сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш тарафдори. Партиянинг ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалари мазкур мақсад-вазифаларни амалга ошириш билан бирга партия сафига илғор маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, соҳанинг маҳоратли вакилларини жалб қилишга ҳам хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ширин шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Қўли гул ҳунарманд аёл" мавзусида кўргазма ташкил этилди. Тадбир аввалида Сирдарё вилоятида миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бу борада ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлари зиммасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Кўргазмада тикувчилик, миллий гиламдўзлик, зардўзлик, қуроқчилик ва амалий санъат йўналишларида фаолият олиб бораётган ҳунармандларнинг амалий ишлари намойиш этилди.

Кўргазма давомида партия фаоллари юртимизда ҳунармандлар учун яратилган қулайликлар, шарт-шароитлар, партия кўмаги билан имтиёзли банк кредити олиш асосида ҳунармандлик фаолиятини кенгайтириш борасида тушунча ва маълумотлар берди. Тадбирда уч ҳунарманд хотин-қизни партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳасига жалб этиб, бепул ўқув курслари ташкил қилиш, ҳудуддаги уюшмаган хотин-қизларга касб-ҳунар сирларини ўргатишга келишиб олинди. Бу ҳунармандчилик турларини, уларнинг сир-асрорини авлоддан-авлодга етказишга, хотин-қизларнинг касб-ҳунарли бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

ЎзМТДП ташкилотлари материаллари асосида "Milliy tiklanish" мухбири Ойдин АЛИМАРДОНОВА тайёрлади.

Жараён

ТАРИХНИ ЎРГАНИШДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини ва айни пайтда ҳозирги технологик инновациялар даврида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига мос ўрин эгаллашига қаратилган. Бу жараёнда фан, илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Чунки ҳозир дунёнинг илғор мамлакатларида илм-фан бевосита ишлаб чиқаришга айланиб, тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти анча юқори. Ундан мамлакатимиз тараққиёти йўлида етарли фойдаланиш, фан билан ишлаб чиқаришни интеграциялаш, илмий изланишларнинг самарадорлигини ошириш бугун Ўзбекистон Фанлар академияси олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Президентимизнинг "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Тарих институти олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Институтимизнинг аввало ЎзФА таркибида қайта тикланиши жамоамизга катта кўтаринкилик ва ишчанлик бахш этди. Юқоридаги қарордан келиб чиқиб, биринчи навбатда, илмий ишларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Бир гуруҳ олимларимиз икки жилдли "Ўзбекистон тарихи" (1917-1991 йиллар) фундаментал ишни якунлади. Яна бир гуруҳ олимлар "Ўзбекистоннинг энг янги тарихи" деб номланган фундаментал лойиҳа устида иш олиб бормоқда, докторантлар ва магистрлар учун "Ўзбекистоннинг энг янги тарихи" дарслиги тайёрланди. Шунингдек, Ватан тарихининг долзарб масалаларига бағишланган ўнлаб монографиялар, юртимизда ва чет элда нашр этилди.

Фанни ўқув жараёни билан интеграциялашга ҳам катта эътибор қаратилиб, институтимиз олимлари дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратмоқда.

— Миллатнинг эртанги истиқболи, миллий ғурури, шаъни ва обрўси бевосита унинг тарихи билан боғлиқ. Авлодлардан эса шонли тарихни ўрганиш, ундан тегишли хулосалар чиқариш ва кейинги ҳаёт йўлини ўша бой тажриба билан боғлаш талаб этилади...

— Тарихий хотира жуда мураккаб, халқнинг, миллатнинг маданияти, ўзликни англаш даражаси билан боғлиқ тушунча. Ўзбек халқининг тарихи жуда бой. Бу ҳудудда минг йиллар давомида қанчадан-қанча давлат, тузумлар, урф-одат алмашди. Ҳар бир янги пайдо бўлган дин, мафкура ўтмиш ҳақида ўзига мос маданият ва афсоналар яратди, эскилари эса аста-секин унутилиб кетди. Аммо бизгача етиб келган ривоят ва афсоналар, шаҳар ва сарой қолдиқлари, улар ҳақидаги тасаввур халқимиз ўтмиши буюк бўлганидан далолат беради. Аммо тарих фақат уни мақташ, ундан фахрланиш учунгина ўрганилмайди. Тарих — бу миллатнинг буюк устози ва тарбиячиси. Унинг асосий қисми шонли, аммо айрим саҳифалари ўта аччиқ бўлса-да, у миллий онгнинг юксалишига, миллатнинг жипслашувига хизмат қилади, ватанпарварлик, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳисларини шакллантиради.

Аждодларимизнинг буюк тарихини ўрганиш, улар асрлар давомида шакллантириб келган маънавий-ахлоқий қадриятларни асраш ва ёш авлод онгига сингдириш, тарихий хотирани янада мустаҳкамлаш — бу миллатимиз буюк келажагини таъминлашнинг муҳим омили.

— Ўзбекистон тарихи бўйича фундаментал илмий тадқиқот сўнгги бор XX асрнинг 60-йилларида нашр этилган эди. Шундан буён юртимиз тарихида қанчадан-қанча ўзгариш, янгиланишлар бўлди. Албатта, буларни ҳам тарих зарварақларига муҳрлаш масаласи кечиктириб бўлмас вазифа бўлиб турибди. Бу бўйича ҳам амалий ишларга киришилганми?

— Албатта, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг совет даври тарихига нисбатан қараш ва ёндашув ўзгарди, шу асосда бир қатор янги илмий тадқиқотлар олиб борилди. Институтимизнинг бир гуруҳ олимлари "Ўзбекистон тарихи. Амир Темур ва темурийлар даври" (Тошкент, 2017 йил) ҳамда "Ўзбекистон тарихи. (XVI – XIX асрнинг биринчи ярми) (Тошкент, 2012 йил) тайёрланиб, нашр этилди. Шунингдек, юқорида айтилган "Ўзбекистон тарихи" (1917-1991 йиллар) деб номланган икки жилдлик фундаментал тадқиқот охирига етказилди. Бу фундаментал илмий ишда жуда катта миқдордаги архив материаллари ва илмий ишларни ўрганиш натижасида XX аср Ўзбекистон тарихининг энг мураккаб саҳифаларини очиб беришга, уларга янгича ёндашувлар асосида баҳо беришга ҳаракат қилинган. Мазкур илмий тадқиқотда кўплаб архив материаллари ва бошқа ҳужжатлар илк бор илмий муомалага киритилган бўлиб, бу иш республикамиз илмий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган чорак асрдан кўпроқ вақт давомида юз берган тарихий воқеалар ҳам институтимиз жамоаси томонидан диққат билан ўрганилмоқда. Юқорида айтилган "Ўзбекистоннинг энг янги тарихи" номли фундаментал тадқиқот билан бирга олимларимиз томонидан мустақиллик даври Ўзбекистон тарихи барча соҳалар бўйича диссертация тадқиқотларининг мавзулари сифатида ўрганилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи концепцияси устида иш олиб борилмоқда. Бу "Ўзбекистон тарихи" деб аталган йирик фундаментал тадқиқотнинг таркибий қисми сифатида яратилади.

— Суҳбатимиз бевосита тарих билан боғлиқ бўлар экан, бир жиҳатга эътиборингизни қаратишни истардим. Ўтмишдаги тарихий воқеалар, жараёнлар ҳақида маълумот қидирсак, турли манбаларга дуч келамиз. Айтинг-чи, булар ичидан ҳақиқий ва холис, ҳар жиҳатдан тўғри бўлган фактни қандай фарқлаш мумкин? Умуман, одамларни ҳақиқатдан чалғитувчи ва аслиятдан узоқлаштирувчи бу ҳол қандай юзага келяпти?

— Тарих — кўпқиррали, мураккаб ҳодиса. У табиат, жамият ва инсон ривожланиши жараёнининг барча жабҳасини қамраб олади. Ўтмишга айланган ҳар қандай воқеа, ҳодиса ёки предмет тарихнинг ўрганиш объекти бўлиши мумкин.

Шу маънода тарих энг қадимги фан саналади. Одатда тарихни бир инсон, халқ, жамият ҳаётида қачонлардир юз берган воқеалар ҳақидаги фан дейишади. Шу тариқа тарих ўтмиш воқеалари, жараёнлар, ҳолатларнинг оддий баёнидан иборат, деб қаралади. Тарихни бундай тушуниш ниҳоятда аниқ ва тўлиқ эмас. Маълумки, қадимги Грециядa тарих илмининг ҳомийси ҳисобланган Клио қўлидаги бир ўрам пергамент ва тошқалам бу дунёда ҳеч нарса изсиз йўқ бўлиб кетмаслигининг рамзи ва кафолати сифатида тасвирланган. Бу бежиз эмас. Зотан тарих инсониятга ўзининг "ўтмиш ҳаётини" унутмаслик имконини беради. Тарих гўё ўтмишни қайтадан "тирилтиради", уни бугунги авлод учун қайта тиклаб, янгидан бунёд этади. Тарихни билиш туфайли ўтмиш ҳеч қачон ўлмайди, у бугун ҳам яшашда давом этади ва келажак учун хизмат қилади. Тарихнинг буюк қудрати ҳам шунда намоён бўлади.

Тарих — бу халқ хотираси. Аммо бу хотира энди ўтмишнинг ўзи эмас, балки замонавий одатлар, ҳозирги замон кишиларининг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, идеаллари ва қадриятларига мос равишда тикланган тарихдир. Шу маънода тарих биз учун бугунги куннинг инъикоси, у бизнинг ўтмиш ҳақидаги бугунги тасаввуларимиз шаклида мавжуд бўлади.

Совет даврида тарих фани биргина марксча назария асосида ривожланди ҳамда бу назария турли-туман жараёнларнинг бош қонунияти ва асосий сабабини излаш ва топишни тақозо этарди. Чунончи, марксизм дастлаб пайдо бўлган даврдан бошлаб оламнинг бир бутунлигини очиш, юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни тушунтиришнинг қандайдир универсал методини яратиш даъвоси билан чиқди. Аммо ўша пайтларда ҳам тарихчиларнинг кўплаб тадқиқотлари олам ҳақида фақат турли-туман фактлар эмас, балки кўплаб ғоя ва қарашларнинг уйғунлигига асосланган эди.

Ҳозир тарихни тадқиқ этаётган аксарият тарихчилар, жумладан, ўзбекистонлик олимлар кўп омилли ёндашувнинг тарафдори ҳисобланади: уларнинг кўпчилиги марксизмдаги сингари ўтган аср воқеаларида фақат "бош қарама-қаршиликлар"ни кўриш ва воқеа-ҳодисаларни тушунтиришнинг "асосий" қоидасини яратиш даъвосидан воз кечди. Фақат кўп омилли ёндошув асосида тарихнинг ўта мураккаб ва турли-туман ҳодисаларини тушуниш ва тушунтириш мумкин.

Шулардан келиб чиқиб, биз тарихий воқеаларни таҳлил этишда, уларга баҳо беришда қандайдир майда, хусусий қарашларга таянмаслигимиз, давр тарихига нисбатан чуқур ҳурмат билан ёндошишга, муаммоларни четлаб ўтмасликка, айни пайтда, уларни баҳолашда фақат оқ ва қора ранглардан фойдаланмасликка ҳаракат қилмоғимиз лозим. Зеро, Навоий ҳазратлари айтганидек:

Сўз қотиғи эл кўнглини
озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни
гирифтор айлар.

Шу маънода, аслида ўтмишдаги тарихий воқеа ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар эмас, уларнинг талқини турлича, ёндашув ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, яқинда Хотира ва қадрлаш куни олдидан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Халқлар дўстлиги" монументининг ўз ўрнига қайтарилиши, генерал Собир Раҳимов ҳайкалининг тикланиши каби жараёнларда ҳам тарихий воқеаларнинг эмас, уларга нисбатан бўлган муносабатнинг ўзгаришини, тарихий адолатнинг қарор топишини кўришимиз мумкин.

— Соҳибқирон Амир Темур бобомиз қурган давлат ва темурийлар тарихи ҳақида сўз юритсак, бунинг ўзи бир йирик тўплам бўлади. Аммо ҳалигача негадир Амир Темур тарихи ҳақида билганларимиздан билмаганларимиз бисёр...

— Амир Темур ва темурийлар даври фақат миллий тарихимизнинг эмас, балки бутун Шарқ цивилизациясининг ҳам муҳим босқичи ҳисобланади. Мустақиллик йилларида шу тарихий ҳақиқатни тиклаш, уни миллатимизнинг фахри ва ғурурига айлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Аммо тарих юқорида айтилганидек мураккаб жараён. У доимий изланишларни, янгича, замонага мос талқинларни талаб этади.

Темурийлар даври тарихи фақат Ўзбекистон учун эмас, балки бутун Шарқ дунёси, мусулмон олами учун ҳам тараққиётнинг энг юксак намуналаридан бири ҳисобланади. Бу даврни янгидан ўрганиш фақат мустақиллик йилларида бошланди, дейишимиз мумкин. Аммо шу қисқа вақт давомида темурийлар даврини ҳар томонлама ўрганиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Фақат сўнгги беш йил ичида Тарих институти олимларининг темурийлар тарихига бағишланган ўнлаб илмий ишлари эълон қилинди. Шундай изланишлар республикамизнинг тарихчи олимлари, пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи ходимлари томонидан ҳам олиб борилмоқда.

— Шуҳрат ака, сўнгги савол: назаримда, шу кунга қадар тарихимизни муфассал ифода этадиган тарихий фильмларга бўлган томошабин эҳтиёжи афсуски тўлалигича қондирилгани йўқ. Сизнингча, бунинг асосий сабабларини қандай омиллар билан боғлаш мумкин?

— Йигирма беш йил давомида мустақил давлат шаклланишининг жуда мураккаб йўлини босиб ўтдик. Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий тарихимизни қайта ўрганиш, унга советлар даврида берилган кўплаб баҳоларни қайта кўриб чиқиш жараёни бошланди. Бу жараён, албатта, силлиқ кечгани йўқ.

Мазкур жараёнлар табиийки, адабиёт, театр, кино ва санъатнинг бошқа соҳаларига ҳам таъсир этди. Бир томондан, биз санъатни совет давридаги мафкура исканжасидан халос этишга уриндик, иккинчи томондан, шу жараёнда, айниқса, тарихий воқеалар, шахсларни ўша даврнинг сиёсий жараёнлари билан боғлаб, сиёсийлаштирдик. Натижада, нафақат тарихий фильмлар яратилди, балки борлари ҳам экрандан олиб ташланди. Масалан, яқинда узоқ йиллардан бери илк бор намойиш этилган генерал Собир Раҳимов ҳақидаги бадиий фильмни олайлик. Унда мафкурадан кўра оддий қаҳрамонлик, ватанпарварлик, жасурлик каби инсоний хислатлар кўпроқ акс этган. Бу фильмни кўрган ёшларимизда ўзбек генералининг жасоратидан фахрланиш ҳисси пайдо бўлиши аниқ.

Шундай шароитда бир гуруҳ соҳа олимларида тарихни соддалаштириш, воқеа-ҳодисаларни жўн ҳолда тушунтиришга интилиш кучайди. Бундай қарашлар асосан аҳолининг ҳодисаларнинг мазмунини тушунишга эмас, унинг ташқи кўринишидан, шаклидан лаззат олишга интилувчи қисмига мўлжалланди. Санъат, жумладан, кино санъати тарихий, умуминсоний муаммоларни четлаб, турмушнинг хусусий, майда икир-чикирларини ижтимоий муаммо даражасига кўтарди, тарихий фильмлар учун эса деярли ўрин қолмади.

Кейинги сабаб тарихий қаҳрамонни излаш ва яратиш жараёни билан боғлиқ. Биз узоқ йиллар давомида қаҳрамон ҳисоблаб келган тарихий шахсларга нисбатан муносабат кескин ўзгарди. Масалан, яқин тарихимиздаги Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Усмон Юсупов, Шароф Рашидов сингари республикамизга узоқ йиллар раҳбарлик қилган шахслар ҳақида фильмлар олиниши мумкин эди. Аммо уларга нисбатан муносабат доим ўзгариб турди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида ўтган асрнинг 70-йилларида олинган кўп серияли "Оловли йўллар" ёки 80-йиллари экранга чиққан Ибн Сино ҳақидаги "Даҳонинг ёшлиги" фильмлари ўз даври учун ўзбек киносининг катта ютуғи эди. Аммо Ҳамзага ёки "Даҳонинг ёшлиги" фильми режиссёри Элёр Ишмуҳаммедовга нисбатан муносабатнинг ўзгариши сабаб бу фильмлар экранлардан олиб ташланди. Аслида халқ хотираси бундай кескин ўзгаришларни қабул қилиши қийин.

Бизнинг ўз тарихий қаҳрамонларимизга нисбатан муносабатимизда маданият даражамиз акс этади. Аслида ўз тарихига нисбатан ҳурмат маданиятини шакллантирган халқлар ўз миллий қаҳрамонларини доимо ҳурмат билан ёд этади, олқишлайди, лекин уларни илоҳийлаштирмайди, миллий жасорат ва маънавий юксаклик рамзи сифатида қабул қилади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда тарих фани ривожланишида янги даврни бошлаб, десак бўлади. Ўйлаймизки, институтимиз олимларининг илмий салоҳияти, бу ерда шаклланган маънавий муҳит Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган ва умуман тарих фани ривожланишининг бугунги ҳолати талаб этадиган вазифаларни муваффақиятли бажариш имконини беради.

"Milliy tiklanish" мухбири
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
суҳбатлашди.

Бир мурожаат изидан...

Таҳририятимизга Наманган вилояти Чуст тумани Олмос шаҳарчаси Мунчоқтепа маҳалласида яшовчи Турсунали Апаралиевдан шикоят хати келди. Унда фуқаро тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг сунъий тўсиғига учрагани, таҳририятдан бу борада ваколат доирасида амалий ёрдам берилишини сўраган.

ҲОКИМ ЎРИНБОСАРИНИНГ БУЙРУҒИ БИЛАН...

ЁШ ТАДБИРКОР ҲАМ ЎЗ БИЗНЕСИ, ҲАМ ИЖАРА ЖОЙИДАН АЖРАЛДИ

Мазкур масалага аниқлик киритиш, тадбиркор билан мулоқот қилиш мақсадида Чуст туманига йўл олдик.

...Турсунали Апаралиев энди 20 ёшни қарши олган. Олмос хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини тамомлаганидан сўнг иш сўраб бир неча идорага учрайди. Лекин ўзига мос иш топа олмайди. Маълум муддат отасининг орқасидан Қозоғистон Республикасига бориб, Чимкент ва Туркистон шаҳарларида ёлланма ишчи сифатида меҳнат қилади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан, ёшларга бу борада берилаётган имкониятлардан хабардор бўлган Турсунали Чустга қайтиб келади.

У бундан роппа-роса бир йил аввал, яъни 2017 йил 20 апрелда телекоммуникация операторлари ва провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсатиш мақсадида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтади. 16 май куни маҳалласида

жойлашган, Улуғбек Абдулазизовга тегишли 13,9 квадрат метр бўлган савдо дўконида ижара асосида фаолият юрита бошлайди. Бунинг учун банкдан 7 миллион 400 минг сўм кредит олади. Мулк эгаси билан тузилган ижара шартномасига мувофиқ бинони ўз ҳисобидан таъмирлаб, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ишлари учун 2 миллион маблағ сарфлайди.

Олдига катта мақсадлар қўйиб, яхши ният билан иш бошлаган Турсунали бу ерда атиги 10 кун фаолият юритди, холос. Боиси, Чуст тумани ҳокимининг капитал-қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Улуғбек Ҳамрохўжаев 2017 йил 26 май куни Турсунали ишлаётган жойни бузиш кераклиги, бу ерда ички ишлар идорасининг маҳалладаги таянч маскани қурилишини, бинони тезда бўшатиб қўйишини айтади.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: маҳаллий ҳокимликнинг масъул ходими якка тартибда фаолият юритаётган ёш тадбиркор энди иш бошлагани, давлатимиз раҳбари ёшларга бунёдкор куч сифатида қараб, уларнинг имкониятларига катта ишонч билдираётган бир пайтда ички ишлар идорасининг маҳалладаги таянч пунктига наҳотки шу ердан бошқа жой топилмаган бўлса?

Ноилож қолган, тарвузи қўлтиғидан тушган ёш тадбиркор ижара асосида атиги ўн кун фойдаланган бинони бўшатиб беришга мажбур бўлади. Энг ачинарлиси, орадан кўп ўтмай бу савдо нуқтаси ўрнида ички ишлар органининг таянч пунктини қуриш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилади.

Турсунали бу ажабланарли ҳолатга изоҳ беришини сўраб яна туман ҳокимининг ўринбосари Улуғбек Ҳамрохўжаевнинг қабулига киради. Мулозим эса тадбиркорга қўпол муомалада бўлиб, уни хонасидан чиқариб юборади...

Натижада туман ҳокимлиги ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлган Турсунали Бош прокуратуранинг ишонч телефонига қўнғироқ қилади. Шундан кейин туман ҳокими ўринбосари Улуғбек Ҳамрохўжаевнинг тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилгани ва фуқарога тегишли бинони буздириб ташлагани билан боғлиқ салбий ҳолатлар Чуст тумани маъмурий судининг 2017 йил 2 октябрдаги очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Суд қарорига асосан ҳокимлик мулозимига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди ва у давлат фойдасига ундирилди.

Энди эътиборни ёш тадбиркор жабр кўрган бир жиҳатга қаратсак. Бу ҳақда Турсунали Апаралиевнинг ўзи шундай дейди:

— Фаолиятимнинг илк кунлариданоқ телекоммуникация операторлари, провайдерларига воситачилик хизматларини кўрсата бошладим. Шу орада банкдан кредит ҳам олдим. Мақсадларим кўп эди. Бироқ туман ҳокимлиги мутасаддилари бунга очиқчасига тўғаноқ бўлишди. Ижарага олган жойимдан қувилдим. Мен ҳар ойда 300 минг сўмдан маҳаллий бюджетга солиқ пули, шунингдек, 150 минг сўмдан банк хизмати учун ва 286 минг сўмдан кредит учун ҳам тўлов амалга ошириб келганман. Агарда ишимга тўғаноқ бўлишмаганида ҳар ойда шунча миқдордаги маблағ билан давлат бюджетига ўз ҳиссамни қўшган бўлар эдим. Қолаверса, кредитдан мавжуд қарзимни тўла узган бўлардим. Ҳозир аро йўлда қолдим. Бир йилдан бери тадбиркорлик билан шуғуллана олмаяпман. Чунки менда қайтадан бино қуриш ва бирор объектни яроқли ҳолга келтириш учун моддий имконият йўқ. Суд қарори билан менга ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарлар фуқаролик тартибида ундирилиши мумкинлиги тушунтирилди.

Турсунали Апаралиев мазкур ҳолат юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво ариза билан мурожаат этади. Туман суди судяси Сардор Жўрабоевнинг маълум қилишича, судга фуқаро томонидан даъво аризасига қўшимча тарзда моддий ва маънавий зарарни асослантирувчи ҳужжат ҳали тақдим этилмаганлиги боис фуқаролик иши кўриб чиқилмаган. Агар судга асослантирувчи ҳужжатлар тақдим этилса, фуқаро Турсунали Апаралиевнинг мурожаати қонунда белгиланган тартибда адолатли кўриб чиқилади.

Суруштирув жараёнида Турсунали ҳамроҳлигида Чуст тумани ҳокими Баҳодир Охунов ҳамда у истиқомат қилаётган Олмос шаҳарчаси ҳудудига масъул сектор раҳбари, туман прокурори Дилмурод Собиржонов билан ҳам суҳбатда бўлдик.

— Ёш тадбиркор Турсунали Апаралиев билан боғлиқ ишдан хабардормиз. У туманимизнинг иқтидорли ёшларидан бири. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёш ишбилармонлар ўртасида ўтказган кўрик-танловида ғолиб чиқиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга ҳам эга бўлган, — дейди туман прокурори Дилмурод Собиржонов. — Ўзим масъул бўлган сектор ҳудудида яшовчи тадбиркорни қўллаб-қувватлашга, унга амалий ёрдам беришга тайёрмиз. Яқинда унга туман ҳокимининг қарори билан Мунчоқтепа маҳалласи ҳудудидан 4 сотих ер майдони ажратилди. Келгусида унинг ҳужжатлар расмийлаштиришидан тортиб, кредит олишигача бўлган барча жараёнда яқиндан амалий ёрдам берамиз. Илгари у ижара асосида фойдаланиб келаётган савдо шохобчаси биносига келсак, ҳақиқатан ҳам бу бино ўрнида ички ишлар идорасига янги бино бунёд этиш режалаштирилган эди. Аммо кейинчалик бу ерда бундай бино қуриш мақсадга мувофиқ эмаслиги хусусида хулоса қилинди. Туман ҳокимининг ўринбосари суд қарорига асосан маъмурий жазога тортилди.

Турсунали энди Мунчоқтепада 8 хил турдаги макарон ишлаб чиқарувчи янги корхона барпо этиш ниятида. Бу билан 10 та янги иш ўрни яратилади. Унинг айтишича, банк муассасаси 400 миллион сўм миқдорида кредит ажратса, бу маблағнинг ярми бино қурилишига сарфланади. 70 миллион сўмига технология келтирилади, 80 миллион сўми хомашё харид қилиш учун ишлатилади. Қолган маблағ эса бино қуриш, корхона фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа мақсадларга йўналтирилади.

Ўйлаймизки, туман ҳокимлиги мутасаддилари ёш, янгиликка интилувчан Турсунали Апаралиевнинг бу истиқболли лойиҳасини амалга ошириши учун яқиндан ёрдам беради. Таҳририят эса мазкур мурожаат юзасидан туман ҳокимлиги ҳамда прокуратурасидан амалий саъй-ҳаракатларни кутиб қолади ва мавзуга яна қайтади.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
22 (506) 2018 йил 30 май, чоршанба

Халқаро фестиваль

АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР БАЙРАМИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро ўзининг бой тарихи, осори-атиқалари, урф-одат ва анъаналари билан дунё аҳлини мафтун этиб келмоқда. Шу боис уни томоша қилиш учун келадиган сайёҳлар сони ҳам йилдан йилга ошиб боряпти. Шу йилнинг 25-27 май кунлари Бухорода бўлиб ўтган анъанавий "Ипак ва зираворлар" халқаро фестивали бу кўҳна ва гўзал шаҳар имкониятларини яна бир бор намойиш этди.

Бухоро вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ҳудудий бошқармалари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган XVII анъанавий "Ипак ва зираворлар" фестивалида юртимизнинг барча вилояти, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Германия, Польша, Бангладеш, Хитой, Белоруссия, Саудия Арабистони, Туркия, Япония, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Грузия, Венгрия каби давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, хорижлик меҳмонлар, кенг жамоатчилик, 9 давлатдан 100 дан ортиқ ҳунармандлар иштирок этди.

Фестиваль доирасидаги тадбирлар кўҳна Арк қалъасидан Лаби ҳовуз ансамблига қадар чўзилган кўча ва тарихий масканларни ўз ичига қамраб олди. Вилоятлардан ташриф буюрган фольклор ансамбллари чиқишлари Улуғбек мадрасаси, Нўғай ва Тим Абдуллахон карвонсаройи, Нодир девонбеги мадрасаси ва эски шаҳар бўйлаб ташкил этилди. Зардўзлик, темирчилик, ипак гилам тўқиш, деворий кашталар, мис-кандакорлик, кулолчилик, рассомлик ва миниатюра йўналишлари бўйича маҳорат ва дизайнерлик намойишлари эса Кўкалдош, Тим Абдуллахон мажмуалари, Тоқи Саррафон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Заргарон савдо марказларидан ўрин олди. Фестиваль доирасида ташкил этилган савдо расталарида маҳаллий ва хорижий ҳунармандларнинг ипакдан тайёрланган маҳсулотлари намойиш қилинди, зираворлар савдоси ташкил этилди. Бундан ташқари, тасвирий ва амалий санъат галереяси, суратлар кўргазмаси, модалар ва тарихий фильмлар намойиши, мақом кечаси фестивалга ўзгача файз ва мазмун бағишлади.

Фестиваль доирасида Бухоро ёшлар марказида "Бухоро вилоятининг туристик ва инвестицион салоҳияти" мавзуида илк бор бизнес форум ташкил этилди. Хорижий ҳамда маҳаллий ишбилармон доира вакиллари, ҳунарманд ва тадбиркорлар иштирокида ўтган бизнес форумда вилоятнинг туристик салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида сўз борди. Форум ишбилармон доираларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун самарали мулоқот майдончаси, инновацион таклифларга бой анжуман вазифасини ўтади.

Маълумки, Хитой, Исроил, Индонезия, Малайзия, Покистон, Қозоғистон, Қувайт, Миср, Эрон ва бошқа бир қатор давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари шу йилнинг 16-26 январь кунлари Бухоро вилоятида бўлган ва келажакда амалга оширилиадиган лойиҳалар бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилган эди. Унга мувофиқ, жорий йилда Индонезиядан 10 минг, Хитойдан 8 минг, Исроилдан 5 мингдан ортиқ сайёҳнинг Бухорога келиши мўлжалланмоқда. Форум доирасида бу борада амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳам муҳокама қилинди.

— Халқаро фестивалга алоҳида тайёргарлик билан келдик, — дейди Қашқадарё вилоятининг "Занжирсой" фольклор этнографик ансамбли мусиқа раҳбари Раҳмиддин Низомов. — Унда халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам ва тараннум этган фольклор намунаси — "Чўпон йигит" қўшиғини ижро этдик. Фестиваль биз учун ўзаро тажриба алмашишга ҳам имкон яратди. Уч кун давом этган тадбирдан бир олам таассурот билан қайтяпмиз.

Мазкур фестиваль нафақат миллий анъана ва қадриятлар устуворлиги, бардавомлигини таъминлаш, юртимизнинг ўзига хос бой маданий мероси, ўлмас қадриятларини дунёга танитиш, балки давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, маданий-маърифий алоқаларни янада мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

— Ушбу фестивалда илк бор иштирок этяпмиз. Фестиваль, энг аввало, кенг қамровлиги, миллий қадрият ва анъаналарга кенг ўрин берилгани билан бизда катта таассурот қолдирди, — дейди афғонистонлик ҳунарманд Шафиқулло Фазли. — Ҳамкасбим Ҳумоюн Замоний билан Бухорони илк бор 2016 йилда зиёрат қилганмиз. У жуда гўзал ва бой тарихга эга. Бизнинг қадрият ва анъаналаримиз жуда яқин. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқалар янги босқичга кўтарилди. Бундан биз маданият ва маърифат аҳли беҳад мамнунмиз.

Фестивалнинг ёпилиш маросими тантаналари Бухоро меъморчилик санъатининг бетакрор намунаси бўлган Арк қалъаси олдидаги Регистон майдонида бўлиб ўтди.

Мухтасар айтганда, фестиваль халқимизнинг асрий анъана ва урф-одатлари, миллий ҳунармандчилик ва амалий санъати, мусиқа, рақс, халқ оғзаки ижоди намуналарини кенг тарғиб этиш, бой маданий меросимизни сақлаш, уни қайта тиклаш ва келгуси авлодларга етказишга хизмат қилгани билан аҳамиятлидир.

Беҳзод ЖЎРАЕВ,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши девон раҳбари

Китоб байрами

Мамлакатимиз бўйлаб "Китобхонлик маданиятини юксалтириш — буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим кафолатидир" шиори остида республика "Китоб байрами" ўтказилди.

ЯНГИЧА РУҲДА ЎТДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси ва қатор бошқа муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирлар ўзига хос "китоб сайли"га айланиб кетди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори асосида жойларда бу борада кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу боис ҳам бу йилги китоб байрами ҳар қачонгидан юксак савияда, уюшқоқлик билан юқори кайфият ва янгича рухда бўлиб ўтди.

Бугун мамлакатимизда 1 минг 677 матбаа корхонаси, 118 нашриёт давлат рўйхатидан ўтган. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 вилоят ахборот-кутубхона маркази, туман марказлари ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200 га яқин ахборот-ресурс маркази аҳолига ахборот-кутубхона, "Китоб олами", "Шарқ зиёкори" ва "Ўздавкитобсавдотаъминоти" мажмуалари эса китоб савдоси хизматини кўрсатмоқда.

Бир неча йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур "Китоб байрами" китобнинг жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг ёрқин хотирасини, замонамиз қаҳрамонлари тимсолини ҳаққоний ва халқчил акс эттирувчи адабиётлар салмоғини оширишда адиб ва ноширларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида ташкил этиб келинмоқда.

— "Китоб байрами" йилдан-йилга янгича мазмун ва қиёфа касб этиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. — Мана бу йилги тадбирлар пойтахтимизнинг сўлим масканларидан бири бўлмиш Сайилгоҳ кўчасига кўчирилгани жуда ҳам тўғри қарор бўлди, деб ўйлайман. Эътибор беринг: Амир Темур хиёбонида буюк Соҳибқирон қўлини баланд кўтариб Мустақиллик майдонини кўрсатиб турибди. Агар майдон — истиқлолга мана шу йўлдан юриб борсангиз, демак, ҳар қандай эзгу амалга илм, яъни китоб билан эришиш мумкин, деган ишорани англаш мумкин. Бу йилги "Китоб байрами" китобларга бойлиги ва ранг-баранглиги билан ўтган йилгиларга нисбатан мазмунан анчайин бойиган. Фарзандлари билан келиб, китоб олаётган ота-оналар ҳам талай. Бу эса юртимизда китобга бўлган муносабатнинг тобора ўзгариб бораётганидан далолат беради.

Икки кун пойтахтимизнинг маркази — Сайилгоҳ кўчасида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят марказларида бўлиб ўтган тадбирларда 100 дан зиёд нашриётлар, ижодий уйлар, матбаа корхоналари ҳамда китоб савдоси ташкилотлари китоб ва китоб маҳсулотлари кўргазмаларини ташкил этди.

— "Китоб байрами"да ҳар йили фарзандларим билан бирга қатнашишни одат қилганмиз, — дейди чилонзорлик Фотима Каримова. — Бугун ҳам қизим ва ўғлимга ёшига мос китоблар олиб бердим. Бундай тадбирларни янада кўпайтириш керак. Чунки фарзандларим шаҳримизда китоб дўконлари талай бўлса-да, бир йилда бир марта бўладиган бу байрамни орзиқиб кутади. "Китоб байрами" ёшларнинг китобга бўлган меҳри ва қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда.

Байрамона тадбир доирасида Анвар Обиджоннинг "Дўхтир-табиб", Худойберди Тўхтабоевнинг "Тагоб қишлоқ эртаклари", Наби Жалолиддиннинг "Тегирмон", Абдумажид Азимнинг "Қадр кечаси", Иқбол Мирзонинг "Зарб", Улуғбек Ҳамдамнинг "Эски дунё ва янги мен", Маҳмуд Тоирнинг "Янги шеърлар" ва "Европа саёҳати" китоблари тақдимоти ҳам ўтказилди.

— Юртингизда иккинчи бор бўлишим, — дейди франциялик сайёҳ, ношир Алаин Беллиер. — Бу галги саёҳатим таассуротларга жуда бой бўлди. Айниқса, "Китоб байрами" менда катта қизиқиш уйғотди. Нашриётлар китоблар совға қилди. Францияга борганимда мана шундай маънавият байрамини ўзимизда ҳам ўтказиш таклифини билдирмоқчиман.

Тадбир доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Шавкат Раҳмон ва ёшлар" саҳналаштирилган шеърият спектакли ҳам намойиш этилди. "Менинг биринчи китобим", "Ёшлар мушоираси" каби дастурлар ҳам йиғилганлар томонидан илиқ кутиб олинди. Айниқса, "Машҳурлар китоб ўқийди" номи остида санъат, театр ва кино ижодкорлари, спорт усталарининг ташрифи ва иштирокчилар билан мулоқоти барчага манзур бўлди.

"Энг фаол иштирокчи", "Энг яхши стенд", "Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши китобхон", "Ёш китобхон" викториналари ғолиблари аниқланди, уларга эсдалик совғалари топширилди. Тадбирда "Китобсеварларни қутлаймиз" номли концерт дастури намойиш этилди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фотоайбнома

"ТОШКЕНТ" АВТОВОКЗАЛИ: БУГУНГИ "МАНЗАРАЛАР"

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил, тизимли ва кенг қамровли ислоҳотлар самарасида хорижлик меҳмонларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ортмоқда, сайёҳлар оқими ҳам ошмоқда. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг йирик шаҳарлари ва Тошкент ўртасида автобус қатновлари йўлга қўйилиши туфайли қардош халқлар билан борди-келди қилиш анчайин осонлашди.





Бундай хушхабарларни эшитиб, кўнглингиз қувончга тўлса-да, айрим ҳолатлар дилингизни хуфтон қилади. Қўшни давлатлардан автобусда келган меҳмонлар кутиб олинадиган ва шу ердан жўнаб кетадиган, пойтахтимиз остонасидаги "Тошкент" автовокзалининг бугунги ҳолати кўплаб юртдошларимизнинг юрагини хижил қилаётгани бор гап. Чунки автовокзал биноси ва унинг атрофи анчадан буён қаровсиз, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига муҳтож.

Автобуслар тўхташ жойининг томини кўтариб турган устунлар бир неча йилдан буён бўёқ кўрмаган. Эски бўёқ аллақачон кўчиб туша бошлаган. Автобуслар тўхташ жойи майдонига ётқизилган асфальт бир текис эмас, йўналишлари кўрсатилган ёзувлар пештахтаси алмисоқдан қолган. Бино олдидаги йўлга ётқизилган тошқопламалар орасини ёввойи ўтлар қоплаган. Уларни йўқ қилишнинг имкони йўқми ёки мутасаддилар "экологияга зарар етказиб қўйишдан" қўрқишадими — тушуниш қийин.

Сирасини айтганда эса меҳмонлар пойтахтимиз ҳақидаги илк таассуротни айнан шу ердан олиши инобатга олинса, бу шунчаки масала эмаслиги аён бўлади.

Тўғри, давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 март куни имзолаган "Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида автовокзаллар ва автостанциялар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар қарамоғида бўлган умумий фойдаланишдаги йўловчи ташиш йўналишларидаги тўхташ бекатларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни ташкил этиш вазифаси белгиланган. Бу, албатта, тезда амалга ошадиган жараён эмас, лекин буни кутиб ўтирмасдан, автовокзал маъмурияти ёхуд шу ҳудуд тасарруфидаги туман ҳокимлиги ён-атрофни ободонлаштириб, тартибга келтирса бўлади-ку?! Чунки айнан шу жойдан кеча эмас, қарийб уч ойдан буён қўшни давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

ММММда

ЖУРНАЛИСТИКАДА ТИЛ, УСЛУБ ВА ТАҲРИР

МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Журналистика жамиятда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалардан кўпчиликни хабардор қилиш, жамоатчилик фикрини уйғотиш ва шакллантириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни рўй-рост кўрсатиш, мухтасар айтганда, давлат ва халқ ўртасида кўприк вазифасини ўтайдиган муҳим соҳа саналади.

Шу боис мамлакатимизда журналистика соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Президент фармонига асосан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилгани фикримизга яққол далил бўла олади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки соҳа ривожи кўп жиҳатдан малакали мутахассис кадрларга боғлиқ.

Миллий матбуот марказида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари" мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференцияда мавжуд муаммо ва камчиликларга эътибор қаратилди.

— Матбуот, радио ва телевидениенинг мамлакат иқтисодиёти, маданияти, бутун жамият ҳаёти ривожидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий университети доценти Маҳлиё Мирсоатова. — Оммавий ахборот воситалари ижтимоий онгни шакллантириш ва акс эттиришнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Оммавий мулоқот тили ва услуби кундалик умумадабий сўзлашув нутқи эҳтиёжлари ва қонуниятларига асосланмоғи зарур. Чунки ахборотни қайта ишлаш ва узатиш жараёни уни қабул қилиш ва тушуниш қонуниятига мувофиқ ҳолда амалга оширилади. Ушбу илмий-амалий конференция соҳага доир мавжуд муаммо ва масалалар ечимига кўмак беради.

Конференцияда профессор-ўқитувчилар, мустақил тадқиқотчилар, таълимнинг бакалавр, магистратура босқичида таҳсил олаётган журналист-талабалар оммавий ахборот воситалари матнларининг тили, услуби ва таҳрири, улар таъсирчанлигини ошириш йўллари, ноширлик соҳаси истиқболлари, соҳага инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Конференция ижтимоий ҳаётда ОАВнинг ўрни, матбуот ва Интернетда узатилаётган материаллар таҳрири, уларнинг сифати, аудиовизуал журналистиканинг тил ва услуб масалалари каби йўналишларда иш олиб борди.

Тадбир якунида конференцияда фаол қатнашган талабалар, соҳа вакиллари, олимларга дипломлар топширилди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

ЁХУД ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ТАРИХИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг бош шарти саналади. Зеро, инсон ҳуқуқлари тўлиқ таъминланган, эркинлиги кафолатланган давлатдагина тинчлик ва осойишталик муҳити қарор топиб, ривожланиш ва тараққиёт бўй кўрсатади.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирчан воситасига айланди. Ушбу муҳим, дастуриаламал ҳужжатнинг қабул қилинганига бу йил етмиш йил тўлади.

Шу ўринда савол туғилади: нега инсоният айнан XX аср ўрталарига келиб ана шундай ҳужжатга эҳтиёж сезди? Уни қабул қилишдан мақсад-муддао не эди?

Инсоният бошига мислсиз кулфат келтирган Иккинчи жаҳон уруши инсон ҳуқуқлари бўйича бир ёқадан бош чиқаришни, бу борада умумий келишувни амалга оширишни тақозо қилди. 1941 йилда АҚШ Президенти Франклин Делано Рузвельт "Мамлакатнинг аҳволи тўғрисида"ги мурожаатида дунё жамоатчилигини инсон учун зарур бўладиган тўртта эркинликни таъминлашга чақирди: сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, муҳтожлик ҳамда қўрқувдан озод бўлиш ҳуқуқи.

Бу ғоя уруш тугашининг ҳамда тинчлик ўрнатишнинг зарур шарти сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига туртки берди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида нацистлар бутун инсониятга нисбатан амалга оширган ваҳшиёна ҳаракатлар инсон ҳуқуқ ва эркинлигини кафолатлайдиган халқаро ҳужжатни қабул қилиш заруриятини юзага келтирди. Чунки ўшанда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида назарда тутилган қоидалар инсон ҳуқуқ ва эркинлигига доир барча жиҳатни қамраб олмаган эди.

1948 йил 10 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг учинчи сессиясида 217 А (III) резолюция билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Мазкур декларация лойиҳасини ишлаб чиқишда канадалик Жон Питер Хампрей (бош муаллиф), америкалик Элеонора Рузвельт, франциялик Рене Кассен, хитойлик Пенг-Чун Чанг ва бошқалар (жами саккиз давлат вакиллари) иштирок этишди. Икки йиллик узоқ тортишув ва самарали меҳнат натижасида декларация лойиҳасига инсоннинг яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва хавфсизлик ҳуқуқи, фикр юритиш эркинлиги ва бошқа асосий ҳуқуқларини белгиловчи қоидалар киритилди.

Декларацияни қабул қилиш юзасидан Бош Ассамблеяда ўтказилган овоз беришда қатнашган 48 давлат уни ёқлаб овоз берди. Фақат 8 давлат овоз беришда бетараф қолди, 2 таси эса иштирок этмади. Бундай қарама-қаршилик ва эътирозларнинг келиб чиқишига декларациянинг ахборот эркинлиги тўғрисидаги моддаси асосий сабабчи бўлди. Чунки Совет Иттифоқи ва бошқа айрим давлатлар вакилларига декларациянинг бу қоидалари унчалик маъқул келмаган эди.

Маълумки, бугунги кунда мазкур ҳужжат жаҳон ҳамжамияти учун фақат тавсиявий характерга эгадир. Лекин унинг асосида қабул қилинган 2 та халқаро ҳужжат уни имзолаган барча тарафлар учун мажбурий ҳисобланади. Бу ҳужжатлар Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ва Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро шартномалардир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бугунги кунга келиб, жаҳоннинг 360 дан ортиқ тилларига, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Унда мустаҳкамлаб қўйилган тамойиллар жаҳоннинг 90 дан ортиқ давлатлари Конституцияларида ўз аксини топди.

Декларация ҳаммуаллифларидан бири Элеонора Рузвельт уни "Бутун инсониятнинг буюк эркинликлар хартияси" деб атаган.

Декларация қабул қилинган кун, яъни 1950 йилнинг 10 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан "Инсон ҳуқуқлари куни" деб эълон қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз ишини бошлаганидан кейин эришган биринчи ютуқлардан бўлган ушбу декларация халқаро қонунчиликнинг асосини яратиб берди десак, муболаға бўлмайди. У инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари масаласини ўзида тўла акс эттирган биринчи ҳужжат бўлди. Бундан ташқари, декларация бугунги кунга қадар инсон ҳуқуқларига оид кўплаб ҳужжатнинг қабул қилинишига туртки берди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 30 моддадан иборат бўлиб, унинг муқаддимасида ушбу сўзлар ўз ифодасини топган: "Бош Ассамблея мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур".

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ушбу декларацияда назарда тутилган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 70 асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ бу соҳада қабул қилган асосий 10 халқаро шартнома иштирокчисига айланди. Ўзбекистон Республикасида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилган.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилган ва улар фаол ишламоқда. Мазкур муассасаларнинг қарийб барчаси инсон ҳуқуқларини судгача ҳимоя қилиш институтлари ҳисобланади. Адлия вазирлиги инсон ҳуқуқларини судгача бўлган тартибда ҳимоя қилиш институтлари орасида ўзига хос ўринга эга.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 18-20 сентябрь кунлари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиш учун АҚШга амалга ошириш ташрифи доирасида БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн билан ҳам учрашган эди. Ушанда Президентимиз Ўзбекистон фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, чинакам демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади. Ўз навбатида, Олий комиссар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси кенг кўламли янгиланишлар учун мустаҳкам асос бўлаётганини қайд этди.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Женевада бўлиб ўтган 37-сессияси доирасида шу йилнинг март ойида таркибида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Русланбек Давлетов ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидовдан иборат бўлган мамлакат делегацияси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн билан учрашди. Учрашув чоғида Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорликнинг бугунги кундаги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди. Олий комиссар Ўзбекистонда сўнгги йилларда барча соҳада амалга оширилган ишлар, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришишни такомиллаштириш, суд жараёнининг самарадорлиги ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларга катта қизиқиш билдирди. Шунингдек, Олий комиссарга Ҳаракатлар стратегиясининг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"даги ижроси асосий натижалари ҳамда Ўзбекистон ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган "Йўл харитаси" тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Олий комиссар мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилаётган изчил демократик ўзгаришларни ижобий баҳолади. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштириш борасидаги ишларнинг муҳимлигини таъкидлади.

Шу йилнинг 9 май куни Ўзбекистон вакиллари Женева шаҳрида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал даврий шарҳининг 30-сессиясида иштирок этди. Универсал даврий ҳисобот доирасида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлари бажарилиши бўйича миллий маърузаси кўриб чиқилди. Ишчи гуруҳи 7-18 май кунларига режалаштирилган сессияда Ўзбекистон билан биргаликда 14 давлатнинг ҳисоботи қабул қилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16-17 май кунлари АҚШга амалга оширган расмий ташрифи олдидан Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатор муҳим тадбирларда иштирок этди. Вашингтон шаҳридаги Миллий пресс-клубда "Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришган ютуқлари ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ва қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда таниқли олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳасини ислоҳ қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган. Конференцияда сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган ишлар дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлаётгани қайд этилди.

Шу йилнинг 5 май куни Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тасдиқланиб, уни амалга ошириш бўйича Комиссия ташкил этилди. Дастурда бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда 2018 йилнинг 10 декабрь куни мамлакатимиздаги барча мактаб, лицей, коллеж, олий таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган умуммиллий дарс ўтказади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони замирида, аввало, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилаш, мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, жамиятда қонун устуворлиги тамойилини тўлиқ жорий этиш мақсади мужассам. Унда аҳоли барча қатламлари манфаатларига мос кўплаб вазифа ҳамда чора-тадбирлар белгилаб берилган, уларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш ҳар биримиздан алоҳида фидойилик ва масъулиятни талаб этади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

Рангин дунё

ҚАЙНОҚ БУЛОҚЛАР МАСКАНИ

Йеллоустон миллий боғи АҚШнинг Вайоминг, Монтана ҳамда Айдахо штатлари ҳудудида жойлашган бўлиб, қайноқ булоқлари, геотермик объектлари, беқиёс табиати, бой ҳайвонот ва наботот олами билан дунёга машҳур. Ушбу гўзалликни томоша қилиш учун бу ерга ҳар йили қарийб 2 миллион сайёҳ келади.

Археологик маълумотларга қараганда, одамлар боғ жойлашган ҳудудда тахминан 11 минг йил аввал яшай бошлаган. Бу масканни илк бор 1805 йилда Льюис ҳамда Кларк бошчилигидаги экспедиция тадқиқ этган. 1807 йилда уюштирилган навбатдаги экспедицияда Жон Колтер қўриқхона ҳудудида геотермал манбаларни аниқлашга муваффақ бўлди. 1869 йилда Дэвид Фолсом бошчилигидаги илмий экспедиция Йеллоустон кўлига қадар етиб боради. 1872 йилда АҚШнинг ўша пайтдаги Президенти Улисс Грант Йеллоустон кўли атрофидаги ҳудудда миллий боғ ташкил этиш тўғрисидаги қонунга имзо чекади. Шу тариқа ўша йилнинг 1 март куни Йеллоустон миллий боғи ташкил этилади. Натаниэль Лэнгфорд боғнинг илк бошқарувчиси этиб тайинланди. Бироқ унинг бошқаруви даврида боғ учун давлат томонидан ҳеч қандай моддий ёрдам кўрсатилмайди. Қолаверса, бу даврда боғда ноқонуний овчилик авж олади. Натижада у 1877 йилда истеъфога чиқишга мажбур бўлади. Ундан сўнг ушбу вазифани бажарган Филетус Норрис саъй-ҳаракатлари ўз натижасини кўрсатади — АҚШ Конгресси боғ инфратузилмасини яхшилаш, бу ерга ташриф буюрувчиларга қулай шарт-шароитларни яратиш учун маблағ ажратади. Бунинг ҳисобига миллий боғда йўллар ҳамда туристик объектлар бунёд этилади. 1880-йилларда ўтказилган темир йўл тармоғи бу ерга ташриф буюрувчилар сонининг кескин ошишига сабаб бўлди. 1933-1941 йилларда Йеллоустонда ахборот марказлари ташкил этилди, йўлларга асфальт ётқизилди. Боғдаги сўнгги туристик мажмуа — "Кэнион Вэлли" 2006 йилда бунёд этилди.

Йеллоустон миллий боғининг деярли 96 фоиз ҳудуди Вайоминг, 3 фоизи Монтана, атиги 1 фоиз ҳудуди эса Айдахо шататида жойлашган. Унинг умумий майдони 898,3 минг гектарни ташкил этади. Боғ шимолдан жанубга қадар 102, шарқдан ғарбга қараб 230 километрга чўзилган. Унинг ҳудудида кўл, дарё, дара ҳамда ғорлар кўп. Дарё ҳамда кўллар боғнинг 5 фоиз ҳудудини эгаллайди. Бу ердаги энг йирик кўл — Йеллоустон: майдони 352,2 квадрат километрни, чуқурлиги 122 метрни ташкил қилади. Йеллоустон денгиз сатҳидан 2 минг 357 метр баландликда жойлашган бўлиб, Шимолий Америка материгидаги денгиз сатҳидан энг баландда жойлашган кўл ҳисобланади. Боғнинг 80 фоиз ҳудуди ўрмон билан қопланган.

Йеллоустон — ўқтин-ўқтин отилиб турадиган иссиқ булоқ, яъни гейзер макони. Унинг ҳудудида 3 мингга яқин ана шундай булоқлар мавжуд. Дунё бўйича гейзерларнинг учдан икки қисми шу ерда жойлашган. Улар орасида энг йириги "Кема" номли булоқ. Бироқ боғдаги энг машҳур гейзер — "Қадимий мўъжизакор булоқ" бўлиб, ҳар 45-125 дақиқада қирқ метр баландликка қайноқ сув отиб туради. Бундай манзара ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солиши шубҳасиз.

2001 йилда хиёбонда Йеллоустон вулқон расадхонаси ташкил қилинган. Расадхонани ташкил этишдан мақсад нафақат вулқон ва геотермик фаолликни кузатиш, балки улар етказиши мумкин бўлган хавф даражасини олдиндан башорат қилишдан иборат. Йеллоустон миллий боғида ҳар йили минглаб кичик ер силкинишлари содир бўлади. Улар одамларга деярли сезилмайди. Шунга қарамай, ўтмишда унинг ҳудудида кучли зилзилалар ҳам юз берган. Мисол учун, 1959 йилда боғнинг шимолий қисмида 7,5 магнитудали зилзила қайд этилган эди. Бу Хебген кўлидаги тўғоннинг қисман бузилиши ҳамда сув тошқинига сабаб бўлган.

Боғ наботот оламига ҳам бой. Бу ерда 1 минг 870 дан зиёд турдаги ўсимлик ўсади. Ўрмонларнинг 80 фоиз ҳудудини қарағай дарахтлари банд этган. Ўрмонда баргли дарахтлар орасида тоғтерак, тол, қайин нисбатан кам учрайди. Йеллоустон миллий боғида 60 турдаги сутэмизувчи ҳайвон яшайди. Бу ерда бўри, бизон, қора айиқ (барибал), буғу, қор эчкиси, пума каби сутэмизувчи жониворларни учратиш мумкин. Боғ ҳудудидаги сув ҳавзаларда эса 18 турдаги балиқ яшайди. Шунингдек, 6 турдаги судралиб юрувчи ҳайвон, 311 турдаги қуш боғ ҳудудини макон қилган.

Йеллоустон АҚШдаги энг кўп ташриф буюриладиган миллий қўриқхона саналади. Унда тўққиз меҳмонхона, кўплаб дўконлар, музейлар, ахборот марказлари, ёқилғи қуйиш шоҳобчалари фаолият кўрсатади.

Йеллоустон миллий боғи 1976 йилнинг 26 октябрида халқаро биосфера қўриқхонаси сифатида тан олинган, 1978 йилнинг 8 сентябрида эса ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Фотима СУЛТОНМУРОДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

ЎҚУВЧИ ДАРСДАН ЧАЛҒИЁЛМАЙДИ

Хитойнинг Ханчжоу шаҳридаги ўрта мактабда ўқитувчилар болалар дарсларда диққатни қанчалик даражада бир жойга жамлаб ўтиришини кузатиш имконини берувчи тажриба тизимини ўрнатди, дейилади "hightech.fm" сайтида.

Тизим ҳозирча фақат битта синфга ўрнатилган, бироқ 2018 йилнинг ёзида раҳбарият уни барча хонада ўрнатишни режалаштирмоқда. Учта камера ва доскадан ташкил топган тизим кишининг кайфиятини, унинг юз ифодасидан аниқлаши мумкин. Агар ўқувчи дарс вақтида чалғийдиган бўлса, ўқитувчига синфдаги кимдир уни эшитмаётгани ҳақида хабар келади.

Мактаб раҳбариятининг фикрича, бундай тизим ўқувчиларнинг шахсий ҳаёти ва ҳуқуқини ҳеч қандай тарзда бузмайди. "Мен аввал ўзимга ёқмаган дарсларда ухлаб олардим. Энди бундай қилолмайман, улар мени доимий равишда кузатаётганини биламан", дейди мактаб ўқувчиларидан бири.

Тизим ўқувчиларни бир нечта гуруҳга ажратади — камдан-кам чалғийдиган истиқболлилар ҳамда иштиёқи кам бўлганлар. Ушбу тизим қандай самара бериши ҳозирча номаълум.

"ҚУЁШЛИ ТОМ"

"Nissan" компанияси ўзининг "Nissan Energy Solar" қуёшли том лойиҳасини тақдим этди, деб ёзади "engadget.com".

"Nissan Energy Solar" "Tesla" компаниясининг шунга ўхшаш лойиҳасидан фарқли ўлароқ, фақат Буюк Британияда сотилмоқда. Боиси бу ерда анъанавий равишда доимий намгарчилик, туман ва ёмғир кузатилади. Гап шундаки, "Nissan Energy Solar" қуёш панелли томлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишлайди. Об-ҳаво яхши пайтида эса йиғилган энергияни ўзининг "Leaf" аккумуляторида сақлайди. Батареяда сақланадиган энергиядан нафақат уйни, балки "NV200" ва "Nissan Leaf" электрокарларини қувватлантириш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

"Nissan" компаниясининг қуёш батареяси тахминан 5,2 минг долларга баҳоланмоқда. Харидор бундай томларни ўрнатиш орқали ҳар йили электр энергияси учун харажатларнинг 70 фоизини тежаш имкониятига эга бўлади.

ЯНГИ ГАЛАКТИКА АНИҚЛАНДИ



Астрономлар коинотда Катта портлашдан 250 миллион йил ўтиб вужудга келган галактикани аниқлашди. Бу ҳақда РАТА-ТАСС хабар тарқатган.

"MACS1149-JD1" деб номланган галактика Қуёш тизимидан 13,28 миллиард ёруғлик йили масофасида жойлашган. У ҳозиргача ўрганилган коинот жисмлари ичида Қуёш тизимидан энг узоқда жойлашган. Астрономик кузатишлар иштирокчиларидан бири Николас Лапортнинг айтишича, галактика кислород топилган энг олисдаги космик объектдир.

Галактикани кузатиш ишлари 2012 йили бошланган. Ҳозирда олимлар "Хаббл" ва "Спитцер" орбитал телескоплари орқали галактикагача бўлган масофани янада аниқроқ ўлчашга муваффақ бўлди.

Астроном Ричард Боуэнснинг фикрича, олисдаги галактикаларни 2019 йилнинг март-июнь ойларида орбитага учириладиган, кўзгусининг диаметри 6,5 метрни ташкил қиладиган янги "Жеймс Уэбб" орбитал телескопи орқали кузатишни давом эттириш керак. Чунки бу янада аниқроқ маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

MILLIY TIKLANISH
22 (506) 2018 йил 30 май, чоршанба

Хиёбон

"ШУНЧАКИ ОБРАЗНИНГ УМРИ БЎЛМАЙДИ..."

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Ижодкор учун ёниб ижод қиладиган давр келди, — дейди Эркин Комилов. — Ўз истеъдодингни намойиш этмоқчимисан, марҳамат, барча шароит ва имконият бор. Фақат қайноқ ижод, жамиятдаги иллатлар ва уларнинг ечимига кўзгу, халқнинг дардига малҳам бўладиган саҳна асарлари яратиш керак, холос.

Президентимизнинг шу йил 2 апрелдаги "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори кўплаб ижодкорлар қатори мени ҳам илҳомлантирди. Буюк ёзувчининг деярли барча асари машҳур, бироқ улар орасида "Оқ кема" мазмун-моҳияти кенглиги, қаҳрамонларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари турфалиги, воқеалар томошабинни чуқур мушоҳада этишга ундаши билан алоҳида ажралиб туради. Шу кунларда "Оқ кема" асарини қашқадарёлик ҳамкасбларимиз билан бирга саҳналаштириш устида иш олиб бораяпмиз. Мен унда Мўмин образини ижро этаяпман. Биласиз, бу образ жуда камтар ва хокисор. Шу пайтгача асосан шахсияти кучли образларни ижро этиб келганим учунми, Мўмин образи мендан аввалги ҳолатдан буткул чиқиб янгича ҳолатга ўтишни талаб қиляпти. Ишонаманки, бу ижрони воҳа аҳли илиқ қабул қилади.

— Инсон қайси соҳада фаолият юритишидан қатъи назар йиллар ўтгани сайин унинг ҳаёт ҳақидаги тушунча ва тасаввури ўзгариб боради. Бу ҳолат, айниқса, ижодкорда ўзгача кечади. Эркин Комилов ёшлик йилларида эътиборга олмаган ҳақиқатлар бугун унга қанчалик таъсир кўрсатмоқда?

— Ҳар доим саҳнага чиқишдан олдин устозим Шукур Бурҳоновнинг бир ўгити ёдимга тушади: "инсонни дуо кўкартиради, қарғиш хароб қилади". Шу ҳикматнинг нақадар ростлигига иймон келтира бошладим. Ота-она, устозлар дуосини олганларнинг азизу мукаррам бўлиб юрганини кўп бора кўрганмиз. Дуо олмаганларнинг ҳаёти ҳар доим ҳам тўкис бўлавермайди.

Дарвоқе, шу тобда бир воқеа ёдимга тушди: мисрлик бир бадавлат йигит юрак хуружига чалиниб, даво илинжида Европага боради. Унинг соғлиғини назоратдан ўтказган шифокорлар "Бу касалликни фақат операция йўли билан даволаш мумкин, операциянинг муваффақиятига эса кафолат бера олмаймиз. Турмуш ўртоғингиз ёки фарзандларингиздан тилхат олиб келинг. Шундан сўнг операция қиламиз", деб айтишади. Юртига қайтган бемор эрта тонгда ўзига тегишли дўкон ва савдо расталарини кўздан кечириш учун кўчага чиқади. Шунда бир кампирнинг ахлат қутисини титиб ўтирганига кўзи тушади. Йигит кампирни зимдан кузатса, у қоплар ичидаги суякларни алоҳида-алоҳида ажратаётган экан. Йигит унинг ёнига яқинлашиб нима учун бундай иш қилаётганини сўрайди. Шунда кампир бир ойдан бери болалари гўшт емагани, шу суякларни ювиб, қайнатиб уларга ичиришини айтади. Бу гапдан таъсирланган миллиардер кампирни қассобхонага олиб бориб, "шу аёл қачон келса, менинг номимдан гўшт бериб юборасиз", дейди. Кампир эса бунга рози бўлмайди. Бемор йигит гўшт дўкони ўзига тегишли эканини айтганда ҳам кампир фикридан қайтмайди. Сўнг у бир даста пул чиқариб, қассобга "мана шу пул онахоннинг насибаси. Ҳар сафар келганда гўшт бериб юборасиз", дея тайинлайди. Шунда кампир унинг пойига тиз чўкиб, уч марта "тани жонинг соғ бўлсин, касал бўлма", дея дуо қилади. Шу пайт йигит руҳиятида ўзгача ҳис жўш урганини сезади. Уйга келса қизи ҳам отасининг кўриниши ҳар кунгидан-да яхши эканини айтади. Орадан кунлар ўтиб, Европага яна соғлиғини текширтириш учун боради. Шифокорлар ҳеч қандай касалликни аниқлай олмай, ажабланишади. Бемордан қандай муолажа қилганлигини такрор-такрор сўрайди. У ҳеч нима қилмагани, фақат яқинда бўлиб ўтган воқеани сўзлаб беради. Шифокорлар ишонишмайди. Хайрли иш қилишнинг, дуо олишнинг нақадар буюклигини ўша бадавлат йигит тўлқинланиб гапирганди...

Ёшим етмишдан ошиб борар экан, такрор-такрор англаб етаяпманки, меҳнат қилган инсон қачондир унинг рўёбини кўрар экан. Умр инсонга бир марта берилади. Шу боис уни гўзал амаллар билан ўтказмоқ керак. Агар умр икки маротаба берилганида эди, кейинги сафар яхши яшарман, дегувчилар ҳам топиларди. Ахир дунёга бир маротаба келамиз-ку?! Ўз онгимизни вужудга бўйсундириш эмас, вужудимизни онгга бўйсундиришимиз керак. Бу жуда оғир жараён. Лекин мўъжиза ҳам, инсоннинг қудрати ҳам шунда — ўзини енга билишида.

— Суҳбатларингизнинг бирида "Томошабин жуда синчков, аммо жуда андишали. Кўради-ю, индамайди, аммо кўнглига тугиб қўяди. Эртасига кинода кўрса, индамай телевизорни ўчириб қўя қолади", деган эдингиз. Нима деб ўйлайсиз, мана шу ҳолатнинг рўй бериши драматургнинг нўноқлиги оқибатими ё режиссёр ва актёрнинг маҳоратсизлиги туфайлими?

— Муаммо кўпроқ яхши сценарий йўқлигида дейиш мумкин. Чунки режиссёр тайёр сценарий билан ишлайди, актёр ўзига берилган вазифани — ролни ижро қилади. Шу боис ҳам драматургиянинг юки жуда оғир. Ҳозирда бармоқ билан санарли драматурглар бор. Шундай "драматурглар" ҳам борки, улар томошабинга эргашиб кетяпти. Пул келяпти, одамлар қуляпти. Аслида бунинг тескариси бўлиши керак: драматург, умуман, ижодкор ўқувчидан энг камида бир қадам олдинда юриши керак. Бугунги кун томошабини қайсидир маънода истеъмолчи эканини англаб боряпти. У тақдим этилаётган асарларнинг пучини пучга, сарагини саракка ажратиб ола бошлади. Демак, томошабин дунёқараши ўзгаряптими, ижодкорлар ундан ўн чандон кўпроқ ўзгариш қилиши керак.

30-40 йил давомида саҳнада роль ижро этиб халқ дилидан жой олган, ҳалиям ички туғёни қайнаб турган актёрлар талай, аммо уларнинг фикри ва дунёқарашидан ўн баробар юқори фикрлайдиган режиссёрларимиз йўқлиги мени ташвишга солади. "Мен режиссёрман", деб актёрга ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилаётган чала режиссёрлар ҳам йўқ эмас. Бундай муҳитда яратилган саҳна асари томошабин кўнглидан жой олишига шубҳам бор. Чунки актёр ва режиссёр ўртасидаги муносабат ўзгардими, улар орасига совуқчилик тушдими, демак, асардан ҳам файз кетади.

— Замонамиз қаҳрамони образини яратиш масаласи ҳақидаги фикрингиз қандай? Давлатимиз раҳбари ҳар соҳада илғор меҳнат қилаётган инсонлар ҳам замонамиз қаҳрамони бўлиши мумкин, деган эди. Бугун мана шу вазифа бажариляптими?

— Дарҳақиқат, замонамиз қаҳрамонларини яратишда мавзуни орамиздаги одамлардан излаш керак. Мисол учун, Қамчиқ довонидан поезднинг ўтиши ўзи бир мўъжиза. Бу олам-шумул воқеага қанчадан-қанча инсонларнинг меҳнати сингган. Буғдой захирамиз жуда мўл. Уни кимлар, қайси қаҳрамонлар амалга оширяпти? Шулар ҳақида ёзиш мумкин. Чегараларимизни қўриқлаб, тинчлигимизни сақлаб турган жасур ўғлонлар — замон қаҳрамонлари. Сценарийнавислар мана шу мавзулардан кенг фойдаланиб, янги-янги асарлар яратиши керак, назаримда. Бугун давлатимиз раҳбари қўйган мана шу вазифани бажаришга киришилган. Насиб қилса, тез орада ҳақиқий замонамиз қаҳрамонларини кўрамиз. Балки ўзимиз ҳам ўша ролларни ижро этармиз...

— Бугун китобхонлик маданиятини ошириш борасидаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Узоқ йиллик ҳаёт тажрибасига эга инсон сифатида, айтинг-чи, фарзандларимизнинг китоб билан дўст тутиниши учун оилада қандай муҳит шаклланиши керак?

— Фарзандга ҳар куни "нонушта қил" ёки "тушлик қил" деб эслатмаймиз. Тирик жонзотда шундай биологик жараён бўладики, у қорни очса, ўзи егулик топиб ейишга ҳаракат қилади. Демак, ота-она фарзандга ҳар куни китоб ўқишини эслатавермасдан, уларнинг ўзи бунга ўрнак бўлиши керак. Бу жараён такрорланаверса, албатта, бола ҳам қизиқади ва отаси ёки онасидан китоб нима ҳақида эканлигини сўрай бошлайди. Улар китобнинг мазмуни хусусида сўзлаб беришса, бас, фарзанд қизиқиб, уни ўқиш кераклигини тушуниб етади. Қизиқувчанлик бола табиатига хос хусусият. Бундан мана шундай мақсадда фойдаланиш мумкин. Шунинг учун оила бошлиқлари болада китобга бўлган меҳр ҳиссини шаклланишига шароит яратиши ва яна такрор айтаман, бунга ўзи ҳам ўрнак бўлиши керак.

Яқинда бир хонадонда кино съёмкаси бўлди. Дабдабали ҳовли, бари бадастир — қандини урсин, ҳавасингизни келтиради. Лекин уйда бир дона ҳам китобга кўзимиз тушмади. Уй эгалари билан суҳбатлашганимизда уларнинг фикри, тафаккури шу даражада паст, ҳамма нарсани пул билан ўлчашини англадик. Ота-онанинг айтишича, ўғли ҳам, келини ҳам сабабсиз пул сарфлашни хуш кўришаркан. Бу гапларни эшитиб, ҳаётнинг турли бурилишлари, синовларига дуч келганида ўша ёшлар қандай йўл тутаркан, деган ўй гирдобида қолдим. Ахир бола қийинчилик кўрса, эзгу фазилатларнинг қадрига етса, тафаккури ва дунёқараши тиниқ шахс бўлиб вояга етади. Ўз тафаккури, шуури билан бойлик орттирганларнинг эл орасида азизу мукаррам бўлаётганлигини кўп бора кўряпмиз. Энг муҳими, дунё яралгандан буён камтарона яшашдан ҳеч ким афсус ва надомат чеккани йўқ.

Яқинда "Оқ кема" ҳамда Шукруллонинг "Кафансиз кўмилганлар" асарини иккинчи маротаба ўқиб чиқдим. Ёшлар билан бўлган учрашув ва суҳбатларда "Кафансиз кўмилганлар" асарини ўқиганлар, шунда бугунги кунингизга шукрона келтирасизлар, дея маслаҳат бераман. Имкон қадар ҳар куни китоб ўқишга ҳаракат қиламан.

— Залворли, юки бор, кўнглингизга ёққан ролларни ижро этиш чоғида ўз "мен"ингиздан кечган пайтларингиз ҳам бўлганми? Умуман бу жараён ижодкор ички оламида қандай кечади?

— Бу ҳол жуда кўп бўлган. Шифокорга борсам сизга сиқилиш мумкин эмас, дейди. Саҳнадаги ижро жараёнида изтироб чекмай бўладими? Образнинг юрагини очиб бериш учун керак бўлса — йиғлаймиз, керак бўлса — куламиз. Эслайман, Ҳайитмат Расулнинг "Ал-Фарғоний" асарида Зокирни ўйнадим. Ал-Фарғоний Мисрга бориб расадхона очиб, илм-фанни ривожлантираётган бир пайтда бу ҳолат Зокирга жуда ёмон таъсир этади. "Менинг даврим ўтди, шекилли", деб изтироб чекади. Шунда ҳар гал саҳна ортига ўтиб йиғлаб олардим. Бундай ҳолат ижодкорнинг юрагига оғир юк бўлиб ботади. Ичидагини ташқарига чиқариб юбормаса, бирор касаллик орттириб олиши мумкин.

— Ўзбек кино ва театр санъатининг эртанги тараққиёти халқ тили ва дилини англайдиган ёш ижодкорларга боғлиқ. Катта истеъдодлар эса "устоз-шогирд" мактабидан етишиб чиқади. Сизни Шукур Бурҳоновнинг муносиб шогирди, деб айтадиган бўлсак, ўзингиз кимларни муносиб шогирдим, дея оласиз?

— Баъзан бир нарса мени қаттиқ ранжитади. Санъат соҳасини танлаган ёшлар сценарийда ёзилган матннинг мағзини чақмасдан туриб уни саҳнада ижро этишга ҳаракат қилади. Фикр, мушоҳада деган нарсани умуман қўлламайди. Уларга бизнинг қуролимиз сўз, ўша сўзни шундай маҳорат билан етказиб бергинки, томошабиннинг эти жимирлаб кетсин, актёр ишонч билан гапирсагина тингловчини маҳлиё қилиш мумкин, деган гапларни доимо таъкидлайман.

Театрга келганимга 52 йил бўлди. Аммо ёшлар орасидан Ёдгор Саъдиев, Теша Мўминовдек актёрлар чиққани йўқ. Айнан уларга ўхшасин, демайман. Лекин улардаги маҳорат ва жасоратни, албатта, ўрганиш керак. Ўзбек Миллий академик драма театрида ҳозир бармоқ билан санарли ёш актёр ва актрисалар бор. Тўғри, улар орасида серқирра қобилиятга эга ёшлар ҳам йўқ эмас. Лекин буни етарли, деб ўйламайман.

Театрда фаолият юритаётган ёш актёрлардан Асадулла Набиевни ўзимга муносиб шогирд деб биламан. У изланишлари самараси ўлароқ "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" унвонига сазовор бўлди. Ундаги шижоат, устозларга ҳурмат, ўз устида тинимсиз ишлаши боис томошабинлар эътибори ва эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Эркин ака, ўтган умрингиз давомида ортга боқиб нималардан ўрнак оласиз-у, нималарни армон деб биласиз?

— Болалик йилларимни эсласам, биринчи ўқитувчим Роҳиддин ака Тиллаевнинг нурли чеҳраси тасаввуримда қайта-қайта гавдаланаверади. Биз таълим олган ўша қатағон йилларини ўйлаб ҳалиям жоним оғрийди. Эҳ, қанчалар машаққатли кечган эди ўша замонлар. Бугун у машъум йиллар ҳақида невараларимга гапириб берсам, эртак деб билади: бири ишонса, бошқаси ишонмайди. Қишнинг совуқ кунларида синфхонада устозимнинг эски печкага ўтин қалаб, тутуннинг аччиғидан кўзларига ёш келиб, йўталиб биз учун шароит яратишга ҳаракат қилганларининг ўзи катта бир жасорат эди. Ўша пайтда айта олмаганим: устозимга буюк инсон эканлигини, биз ўқувчиларга, яъни фарзандларига қанчалар азиз эканини такрор ва такрор таъкидлагим келади.

Яна бир ҳолат ҳеч эсимдан чиқмайди: синглим мактабдан келишини интиқлик билан кутардим. Чунки сиёҳдон ва перомиз битта эди. У мактабдан келиши биланоқ сиёҳдон ва перони олардим-у, ўқитувчим ҳузурига ошиқардим.

Айни дам устозим билан боғлиқ хотираларни эсга оларканман, хато қилганимизда бизни койиган, жазолаган вақтлари ёдимга тушади. Рости, ўша пайтда устозимдан оз-моз ранжиган, қаттиққўллигини кўнглимга олган дамларим бўлса бордир. Лекин кейин катта ҳаёт йўлларида оёғим тойганида, тақдирнинг бешафқат зарбалари қаддимни букиб қўйганида "нега ўшанда мени аядингиз?! Қаттиқроқ койимадингиз?! Кўзим мошдай очилсин эди, ҳар қандай ёмон ишга жазо муқаррар эканлигини, тақдирнинг эса келажакда этни кесиб юборадиган бешафқат зарбалари кутиб турган бўлиши мумкинлигини ҳис этайин эди!" дея кўп бора хаёлимдан ўтказаман. Сабаби, (кейинчалик тушундим) устоз ҳеч қачон беҳуда койимас экан. Ва яна шуни англадимки, агар ҳаёт жазоламокчи бўлса, у муаллимингга ўхшаб енгилгина эмас, нақ юрагингга зарба берар экан...

Бир нарса аёнки, армон тугаган куни инсон ҳам тугайди. Инсон умрининг охиригача армонда ўтиши мумкин. Боши ёстиққа текканда ҳам "агар шу ишни қилмаганимда балки бундай тўшакка михланиб қолмаган бўлармидим", деб ўйлайди. Ижодий фаолиятимда жуда кўп образ яратдим. Насиб қилса, ҳали яна янги қиёфаларни яратишни мақсад қилганман.

— Айни дамда нималар билан бандсиз? Томошабинларни қандай ижодий янгиликлар билан хурсанд қилмоқчисиз?

— Акмал Ибрагимовнинг "Синовли йўллар" фильмида бош роллардан бирини ижро этяпман. Хуршид Ҳасановнинг "Ўғай она" фильмида ҳам роль ўйнадим. "Тугун", "Оила шаъни" фильмларида янги образларни ижро этдим. Режиссёр Эргаш Мўминов қишлоқ ҳаёти, курашчи полвонлар, умуман инсон тақдирини ёритувчи фильм суратга олди. Менга бош роллардан бири — полвон чол образини беришди. Ушбу фильм Ангрен, Оҳангарон тоғлари бағрида суратга олинди. Айниқса, Акмал Ибрагимовнинг "Синовли йўллар" фильмида яратган образим ўзимга жуда маъқул бўлди. Ҳали жуда кўп режалаштирган ишларим бор. Режиссёрларимиз томонидан тарихий фильмлар суратга олиняпти. Мен ҳам унда бирорта тарихий сиймони яратишни мақсад қилганман.

"Milliy tiklanish" мухбири
Дилфуза МАҲКАМОВА суҳбатлашди.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ГИЛОС — ФОЙДАЛИ ВА ШИФОБАХШ

Гилос — шифобахш мева. Юртимизда унинг тўқ қизил ва сариқ навлари кенг тарқалган. Мутахассислар соғлом бўлишни истаган инсон ҳар куни 300 грамм янги узилган гилос истеъмол қилиши лозимлигини тавсия қилади.

Саккиз минг йил муқаддам ҳам инсониятга мўъжизавий кучини ато этиб келган гилос мевалари таркибида моддалар алмашинуви жараёнида муҳим аҳамиятга эга кўп миқдордаги кальций, темир, магний, фосфор, калий, натрий минераллари мавжуд. Шу билан бирга, гилос мевалари органик кислоталар, сахароза (фруктоза, глюкоза), РР ва В6 витаминлари, йод, фтор, хром, кремний, никель, рух, марганец сингари микроэлементлар, пектинлар, флавоноидлар гуруҳига мансуб антоцианларни ўзида сақлаб, саломатлигимизни мустаҳкамлашда кўмаклашади.

Қийғос гуллаган гилос гулларидан фойдали ва шифобахш асал олинади. Асаларилар бир гектар гилосзордан ўртача 35 килограмм тоза асал йиғади. Гилос мевасидан табобатда кўпгина касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида фойдаланилади. Жумладан, гилос буйрак ва жигар фаолиятини яхшилаб, қон айланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Гипертония билан оғриган беморлар учун фаол бирикмаларга бой тўқ қизил гилосни кунига 250-300 грамм ейиш фойдали. Артрит, ревматизм, бўғин ва тўқима оғриқларини камайтиришда янги узилган ширин гилос мевасининг 15 донаси ёхуд унинг қайнатмасини кунига уч маҳал истеъмол қилиш тавсия этилади. Ушбу қайнатма қуйидагича тайёрланади: 1 литр сув қайнагандан сўнг унга бир ҳовуч мева солинади ва паст оловда 7 дақиқа қайнатилади. Сўнгра оловдан олиниб, оғзи бекитилган ҳолда 20 дақиқа дам берилади. Қайнатмадан бир кунда камида 0,5 литр истеъмол қилиш лозим.

Гилос ичак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун у ичаклар атонияси (ичак фаолияти сусайиши), колит (қабзият) ва бошқа ички хасталикларга даво. Гилос шарбати ва қайнатмаси овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилайди. Меваси таркибида органик кислоталар кам бўлгани сабабли уни истеъмол қилиш меъда шиллиқ қаватининг яллиғланиши (гастрит) билан оғриган беморларда кислота миқдорини оширмайди. Темир ва витаминлар кўплиги эса камқонликда фойдали.

Эъзоза АЛИМОВА тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Охос-дель-Саладо дунёдаги энг баланд вулқон бўлиб, Аргентинанинг Чили билан чегара ҳудудида жойлашган. Унинг баландлиги 6 минг 891 метрни ташкил этади.

ТУРФА ОЛАМ

АРАВАЧА ФИКР ВОСИТАСИДА ҲАРАКАТЛАНАДИ

Новосибирск давлат техника университети битирувчиси Иван Невзоров фикр кучи билан бошқариладиган ногиронлар аравачасини ихтиро қилди. Мазкур ихтиро имконияти чекланган инсонларга кўплаб қулайликларни тақдим этиши мумкин, деб ёзади "hi-news.ru".

Янги қурилма, биринчи навбатда, мутлақ шол бўлиб қолган, фақат бош мияси ишлайдиган инсонларга мўлжалланган. Ногиронлар аравачаси нафақат тўғри йўлда ҳаракатланишга, балки кескин паст-баландликлар, зиналар ва тўсиқларни босиб ўтишга ҳам қодир. Бош миядан узатилувчи импулслар махсус шлем ёрдамида ўқилади ва компьютер тизимига буйруқ шаклида етиб боради. Бу эса аравачани ҳаракатга келтиради.

Айни вақтда ихтиро муаллифлари аравачанинг хавфсизлик тизими устида иш олиб бормоқда ва уни имкон қадар тезроқ бозорга чиқариш ниятида.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши партия фаоли **Амир МАДАЗИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ
Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 516, Адади — 7730. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Навбатчи: Дилфуза МАҲКАМОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.05.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345